Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 99 (20. 966) 1991 йил 25 май, шанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

СССР БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

ТОШКЕНТ ТРАКТОРСОЗЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

✱

МАМЛАКАТНИ ТАНГЛИКДАН ФАҚАТ БИРГАЛИКДА ОЛИБ ЧИҚИШИМИЗ МУМКИН

24 май Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган СССР Бош вазири В. С. Павлов учун жуда тиғиз ва қизғин кун бўлди. У Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов билан биргаликда эрталаб «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлди.

Ўрта Осиёдаги йирик машинасозлик корхоналаридан бири ташриф учун танланганлиги тасодиф эмас. Бирлашманинг кўп минг кишилик жамоаси ҳозир мураккаб шароитга тушиб қолди. Хўжалик алоқаларининг бузилганлиги, маҳсулот етказиб беришдаги узилишлар, ҳамма жойда шартномаларнинг бузилганлиги машинасозларга оғир зарба бўлиб тушмоқда. Мамлакат Бош вазири МТЗ-80Х ва Т28—К4М маркали ғилдиракли тракторларни тайёрлаш билан шуғулланаётган механикаийғув цехларининг ишчилари билан шу ҳақда очиқчасига ва манфаатдорлик билан суҳбатлашди. Ишчилар, мастерлар, хизматларнинг раҳбарлари бир вақтлар юксак ривожланган корхона ҳозир боши берк кўчага киргандек вазиятга тушиб қолгани тўғрисида куюниб гапирдилар. Металл, моторлар, резина-техника буюмлари ва бошқа буюмлар йўқ. Ҳолбуки, мамлакатдаги 750 корхона Тошкент машинасозлари билан кооперация асосида ишламоқда. Ўз навбатида бирлашма жамоаси ҳам ўз шериклари олдидаги шартномавий мажбуриятларини бажара олмаяпти.

Юз берган вазият қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига ғоят салбий таъсир қилмоқда. Машинасозлар пахтакор жумҳуриятларнинг жамоа ва давлат хўжаликларига, ўзларининг асосий шериклари ҳисобланган ва пахта териш комбайнлари ишлаб чиқараётган «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасига техника етказиб беришни тўхтатиб қўйишга мажбур бўлмоқдалар

Бу йил бирлашма меҳнат жамоаси 750 минг сўм соф фойдадан маҳрум бўлди. Бу — хўжалик алоқалари бузилганлигининг табиий якунидир. Соф фойданинг камайиши ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга салбий таъсир қилади. Ишлаб чиқариш ходимлари билан учрашувда улар бирлашма истиқболи билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб қилдилар. Бу аввало қуюв цехига ва асосий ишлаб чиқариш цехларини янгилашга тааллуқлидир. Бу муҳим тадбирларни амалга ошириш учун маблағ ҳам, материал ҳам йўқ. Шу сабабли бирлашманинг келажаги ноаниқ бўлиб қолмоқда. Бу ерда ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам тангликдан чиқишга ҳаракат қилинмоқда: маҳсулот етказиб берувчилар билан бевосита, ўзаро маҳсулот етказиб бериш негизида аҳдлашиб олинмоқда, тракторларнинг истиқболли моделлари ишлаб чиқилмоқда. Хусусан завод конструкторлари қуввати 10, 15 ва 25 от кучига тенг митти тракторлар яратдилар. Бундай тракторлар фермер хўжаликларида кенг қўлланилади, деб ҳисоблашмоқда. Истиқболли техника осма иш қуролларининг бутун бир мажмуи билан таъминланган.

Бу йил бирлашма жамоаси Минск моторсозлари билан биргаликда қуввати 100 от кучига тенг бўлган тракторларнинг туркумини ҳам ишлаб чиқармоқчи. Бундай машинани қишлоқда кўпдан буён кутишмоқда. Шунга қарамай, учрашувда таъкидлаб ўтилганидек, Иттифоқ ҳукуматининг ёрдамисиз, пухта ўйлангай аниқ дастурсиз тангликдан чиқиб олиш қийин.

В. С. Павлов билан И. А. Каримов машинасозларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари, уй-жой билан таъминлаш, кафолатли иш ҳақига доир кўп саволларига жавоб қайтардилар. Одамлар меҳнатчилар ва уларнинг оилалари аъзоларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг тағин ҳам шошилинчроқ чоралари зарурлиги ҳақида, бозор муносабатларига ўтиш турмушни қийинлаштирмаслиги лозимлиги тўғрисида гапирдилар.

В. С. Павлов билан И. А. Каримов «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги учрашувдан сўнг жумҳурият пойтахтидаги энг йирик «Москва» озиқ-овқат магазинини бориб кўрдилар.

Ҳозир бошқа жумҳуриятларда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари асосан талонга мувофиқ тақсимланмоқда. Тошкентликлар озиқ-овқат билан қанчалик таъминланмоқда, бу муҳим масалада ижтимоий адолат қоидасига риоя қилиняптими? В. С. Павлов шу ҳақда магазин раҳбарлиги, сотувчилар, харидорлар билан суҳбатлашди. СССР Бош вазири билан суҳбатда тошкентликлар талон жорий этилиши, шубҳасиз, сўнгги чора эканлигини айтдилар, лекин ҳозирги вазиятда шундай қилиш зарур. Чунки Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини белгиланган миқдорда сотиш чоралари уларнинг нархлари оширилишига йўл қўймайди, бундай маҳсулотларни албатта сотиб олишга кафолат бўлади.

В. С. Павлов Тошкентдаги жуда кўп сабзавот магазинларидан бирига кирди. Яқин атрофдаги жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликларидан пештахтага келтирилаётган маҳсулотнинг сифати ва нархи билан қизиқди.

* * *

СССР Бош вазири В. С. Павловнинг вазирликлар, маҳкамалар, бирлашмалар, концернлар раҳбарлари ва жамоат ташкилотларининг вакиллари билан Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида бўлган учрашуви ишчан амалий вазиятда ўтди. Учрашув мамлакатни танг вазиятдан чиқариш учун ҳал этиш керак бўлган кўпгина масалаларга бағишланди.

Иттифоқ Бош вазири 1992 йил режаларини тайёрлаш борасидаги ишни бошқарув идоралари учун биринчи даражали вазифа деб атади. Оғизда бозорга ўтиш ва маҳаллийлаштиришни эълон қилиб, биз жуда кўп вақтни баҳс-мунозаралар билан йўқотдик, корхоналар ва республикаларнинг ресурсларидан ўзаро алоқалар ўрнатиш, чет элдаги шериклар билан шартномалар тузиш учун фойдаланишнинг реал йўлларини таклиф қилмадик. Аслини олганда, хўжалик соҳасидаги ҳамжиҳатлик омили аввалгидек қолди. Натижада кўпгина тармоқлар танг аҳволга тушиб қолди. Чунончи, енгил саноат хом ашё ва материаллар йўқлиги туфайли тўхтаб-тўхтаб ишлаяпти, керакли молларни зарур ҳажмда чиқармаяпти.

В. С. Павлов келаси йил режалари тўғрисида гапириб, хўжалик соҳасидаги ҳамжиҳатлик қоидаларини белгилаб олиш учун қатъий бурилиш ясаш кераклигини таъкидлади. Қуйидан юқорига режалаштириш принципи ўзгармай қолаяпти, республикалар, ўлкалар, вилоятлар, корхоналар, таъминот идоралари ўртасидаги шартномалар балансларни ишлаб чиқиш учун қайд қилиниши, лекин асло ўзгартирилмаслиги ва тузатиш киритилмаслиги керак. Шартнома реал ва ўзгармас асосга айланиши лозим.

Бош вазир шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги ўзаро муносабатлар масалаларига катта эътибор қаратди. Қишлоқ хўжалиги ҳозир ниҳоятда мураккаб аҳволга тушиб қолган устун тармоқдир. Шуни тан олиш керакки, янги харид нархлари учун асос қилиб олинган даража қишлоқ хўжалигига етказиб берилаётган саноат маҳсулотлари қийматининг ҳақиқий даражасига мос келмайди. Қишлоқда зарур иқтисодий рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш учун компенсация масаласини ҳал этиш керак. Иқтисодий омиллар ишлаб чиқаришни оширишга, уни жадаллаштиришга хизмат қилиши лозим.

Қишлоқ хўжалиги техникасини янада мустаҳкамроқ ва пишиқроқ қилиш қишлоқни оёққа турғазишда ёрдам берадиган тадбирлардандир. Бундай техниканинг қанчасини олишса, деярли шунчасини рўйхатдан ўчиришади, у белгиланган муддатидан деярли икки баравар кам вақт хизмат қилади. Ваҳолонки, техниканинг ва эҳтиёт қисмларнинг нархи ошяпти ва бу иқтисодий кўрсаткичларни сезиларли даражада ёмонлаштиряпти. Қишлоқда техниканинг хизмат муддатини узайтириш, саноат корхоналари эса унинг кафолатли ишлаши муддатини узайтиришлари муҳимдир.

Бош вазир қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг барча турларига давлат буюртмасини камайтириш зарур, деган фикрни билдирди. Майли у, 70 фоиздан ошмасин, қолган қисмини эса ишлаб чиқарувчилар ўз билганларича тасарруф этиб, шартнома нархларида сотаверсинлар.

Тангликдан чиқиш учун қувватларни ишга туширишни тезлаштириш лозим. Инвестицияларни қисқартириш — бу боши берк кўчага кириб қолишдир. Бу ҳолда биз самарадорликни ошириш ва иқтисодиётни қайта йўналтириш учун, техника билан қайта қуролланиш учун ҳеч нарса қила олмай қоламиз.

В. С. Павлов ҳамма жойда ғайрат билан меҳнат қилинган тақдирдагина халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни, озиқ-овқат тайёрлашни, ҳозир одамларга керак бўлган барча нарсаларни етиштиришни кўпайтириш мумкин бўлади, деб таъкидлади. Иқтисодиётни мустаҳкамлаш — бу аввало интизомни мустаҳкамлашдир.

Шундан кейин Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади. У дастлабки маълумотларга кўра, табиий офат натижасида республика 350 миллион сўмлик зарар кўрганлигини маълум қилди. Минглаб уйлар, юзлаб километр йўллар шикастланди, кўпгина жойларда алоқа, электр линиялари узилиб кетди, кўприклар қулаб тушди. 350 минг гектар майдондаги ғўзалар нобуд бўлди, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча тармоқларига жиддий зарар етди. Табиий офат оқибатларини тугатиш учун Иттифоқ ҳукуматининг шошилинч ва жиддий ёрдами керак. Жабрланганларга ҳеч бўлмаса дастлабки вақтда пул билан ёрдам бериш учун маблағ етишмаяпти. Бунинг йўли Ўзбекистонга процентсиз қарз ажратишдир.

Республика Президенти ҳал этишда Иттифоқ ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши ва ёрдами муҳим бўлган бошқа долзарб муаммолар тўғрисида ҳам гапирди. Аҳолини ишга жойлаштириш, нарх-наво кескин ошган бир пайтда кўпайиб кетган харажатлар ўрнини қоплаш масалалари Ўзбекистон учун ўткир бўлиб қолмоқда. У саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасида тенгсизлик вужудга келганига, бу қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришнинг пасайишига олиб келаётганлигига эътиборни қаратди, сувдан фойдаланишни яхшилаш ҳамда суғориладиган деҳқончилик самарадорлигини ошириш масалалари тўғрисида гапирди.

Учрашув сўнггида Иттифоқ ва республика оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбат бўлди. Журналистларнинг саволларига В. С. Павлов билан И. А. Каримов жавоб бердилар. Сибирь дарёларининг бир қисмини Ўрта Осиёга йўналтириш билан боғлиқ «аср лойиҳаси»нинг тақдири тўғрисида ҳам савол берилди. Бош вазирнинг фикрича, бу муаммо жиддий ва текширилган илмий ёндашувни тақозо этади.

В. С. Павлов Тошкентда бўлган вақтида В. И. Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйди.

(ЎзТАГ).

Суратда: СССР Бош вазири В. С. Павлов билан Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов Хоразм вилоятининг Хива районидаги Ленин номли жамоа хўжалигида. А. ГОРОКРИК ва Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ва Қирғизистон халқларига

МУРОЖААТНОМА

Ҳурматли ватандошлар!

Азиз оталар ва оналар, ака-укалар ва опа-сингиллар!

Биз, икки жумҳурият раҳбарлари 1990 йил июнидаги фожиали воқеалар бир йиллигида бегуноҳ ҳалок бўлганларни хотирлаб, сизлар билан биргаликда қайғурмоқдамиз, уларнинг хотираси олдида бош эгамиз ва барча жабрдийдаларга, зўравонликка дуч келганларга самимий ва чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

Биз шуни қатъий айтамизки, юз берган воқеада қирғиз халқи ҳам, ўзбек халқи ҳам айбдор эмас. Биз барча аҳолига, айниқса, икки жумҳурият ёшларига мурожаат қилиб, уларни сабр-бардошли бўлишга, бир дақиқали кайфият ва ҳис-ҳаяжонларга берилмасликка чақирамиз.

Фожиали воқеаларнинг ўз сабаблари бор, уларнинг илдизлари қолоқ иқтисодиётга, аҳоли турмуш даражасининг пастлигига, маънавий қадриятларнинг, ижтимоий ахлоқ ва одобнинг бузилганига бориб тақалади. Бундай вазиятда кўп одамлар, айниқса, ёшлар ночор ва ноилож аҳволга тушиб қолди, эртанги кунга ишончни йўқота бошлади. Қора кучлар қора ишини қилди. Оналар ва рафиқаларнинг аччиқ кўз ёшларини, эркакларнинг қаҳрли юзларини ҳали ҳам кўриб турибмиз, ўша даҳшатлар ҳали ҳам болаларнинг кўз ўнгидан кетмаган. Қалблардаги аччиқ аламлар ҳали ўтиб кетгани йўқ, жудоликка ҳали ҳамма ҳам кўниккан эмас. Шунга қарамай халқларимизга хос бўлган сабр-бардош ва донолик кўрсатиб, бардам бўлишимиз керак, алам ва ғазаб билан тинчлик ва осойишталикни тиклаб бўлмайди. Фақат ярашиш, тотувлик ва ҳамжиҳатликгина хотиржам ишлаш ва яшаш, келажакка ишонч билан қараш имконини беришини ёдда тутиш керак. Бундан бошқа йўл йўқ.

Қирғизистон жумҳуриятида бузилган иморатларни тиклаш, аҳолига етказилган зарарни тўлаш, фожиали воқеаларнинг айбдорларини жавобгарликка тортиш, вазиятни изга солиш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда. Бунда Ўзбекистон меҳнаткашлари катта ёрдам бермоқдалар. Лекин бу борада яна кўп иш қилишга тўғри келади.

Экстремизм ва миллатчилик кўринишларига қарши муросасиз курашиб келганлигимизни ва бундан буён ҳам кураш олиб боришимизни, одамларнинг осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашни ўзимизнинг бош вазифамиз деб ҳисоблашимизни биз яна бир бор қатъият билан тасдиқлаймиз.

Ўзбеклар ва қирғизлар қардош халқлардир, уларнинг дини ҳам бир, минг йиллик тарихи ҳам муштарак, тиллари ва анъаналари ҳам ўхшаш. Шу қардош халқларнинг ўзро муносабатларида ҳамма нарса чамбарчас боғлиқдир, уларни бир-биридан ажратиб ташлашга уриниш — қон-қардошларни бир-биридан ажратишга уринишдир.

Ҳозирги пайтда халқларимиз ўртасида тинчлик, дўстлик, ўзаро мадад ҳар қачонгидан ҳам зарур. Бизни кутаётган оғир синовларга фақат биргаликда куч-ғайрат сарфлаш билангина бардош бера оламиз. Бунинг учун мустаҳкам замин яратилган.

1991 йил март ойида Ўш шаҳрида Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияти билан Қирғизистон Жумҳурияти ўртасида Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Бу шартнома икки халқ, икки мустақил жумҳуриятнинг ўзаро муносабатларини янги босқичга кўтаради ва катта истиқболлар очиб беради. Шартнома одамларимизнинг муносиб турмушини таъминлаш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштириши, кучимизга куч қўшиши лозим. Келинглар, ана шу олижаноб мақсад йўлида шу шартнома руҳида биргаликда яшайлик ва меҳнат қилайлик.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Президенти И. КАРИМОВ.

Қирғизистон Жумҳуриятининг Президенти А. АКАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

24 май куни Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Устави рўйхатга олинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи котиби А. С. Ефимов рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома топширилиши муносабати билан нутқ сўзлаб, Компартия ҳозир республикадаги энг оммавий сиёсий ташкилот эканлигини таъкидлади. Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездда қабул қилинган Устави ва Ҳаракат дастури коммунистларнинг жамиятдаги ролини оширишга, ижтимоий-сиёсий турмушни барқарорлаштиришга қаратилган. Партия бошқа жамоат ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик қилиш ниятида.

Рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳномани топшириш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ва Марказий назорат комиссиясининг аъзолари, партия фахрийлари, республика оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Шу куни бошқа бир қанча ташкилотлар, — Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамиятига, Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига, Киносаёҳатчилар уюшмасига, Дизайнерлар уюшмасига, Аҳмад Яссавий номидаги ногирон болаларга ёрдам республика хайрия жамғармасига уларнинг уставлари рўйхатга олингани тўғрисидаги гувоҳномалар топширилди.

Рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳномаларни Ўзбекистон ССР адлия вазири М. М. Маликов топширди.

(ЎзТАГ).

ДЕҲҚОНЛАР УЮШМАСИ КЕНГАШИНИНГ АНЖУМАНИ

24 май куни Самарқанд вилоятида республика деҳқонлар уюшмасининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари тажриба алмашдилар, етилган муаммоларни ҳал этиш тадбирларини белгилаб олдилар.

Республика деҳқонлар уюшмасининг ҳаракат дастури қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Совет Иттифоқига вакил қилиб юборилган хорижий журналистлар гуруҳи Бухоро вилоят партия комитетининг биринчи котиби, вилоят Кенгашининг раиси Д. С. Ёдгоров билан учрашдилар. Д. С. Ёдгоров вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳақида гапириб берди, саволларга жавоб қайтарди. Меҳмонлар кўҳна шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

(ЎзТАГ мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РАЁСАТИДА

Шу йилнинг апрель ойида Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ районида юз берган тартибсизликлар жамоатчилик фикрини жунбушга келтирди, меҳнаткашларнинг ҳақли равишда ғазабланишларига сабаб бўлди. Улар айбдорларнинг қаттиқ жазоланишини талаб қилишмоқда. Ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг ташкилотчилари орасида, иш бошида республика давлат ҳокимияти олий идорасининг вакили — Ўзбекистон ССР халқ депутати, Яккабоғ район матлубот жамияти ҳаммоллари бригадасининг бошлиғи Шоврик Рўзимуродов турганлиги одамларни айниқса ғазаблантирди.

Ҳуқуқий давлат қурар эканмиз, биз ҳеч қандай мустаснолорсиз барча одамлар қонун талабларига қатъий амал қилишлари принципини қарор топтирмоқдамиз. Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатининг яқинда бўлиб ўтган мажлисида депутат Ш. Рўзимуродовнинг ўзи бор пайтда Ўзбекистон ССР Прокуратурасининг уни жиноий жавобгарликка тортиш ва қамоққа олишга розилик бериш тўғрисидаги тақдимномаси кўриб чиқилди.

Раёсат аъзоларининг нутқида ғазаб ва нафрат билан тўла сўзлар янгради. Улар Ш. Рўзимуродов ўз хатти-ҳаракатлари билан депутатлик мандатига доғ туширгани, халқ ишончини суиистеъмол қилгани тўғрисида гапирдилар. Ҳозир, бутун мамлакат ва республика танг аҳволда қолган бир пайтда, кўп жиҳатдан тартибсизликлар келтириб чиқарган, кишиларни ва айниқса ёшларни руҳсатсиз митинглар ўтказишга ҳамда қонунларни бузишга, вазиятни беқарорлаштиришга даъват этган, совет, партия ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг вакилларини кўпчилик олдида қўпол таҳқирлаб, уларни ўлим билан қўрқитган депутат Рўзимуродовнинг хатти-ҳаракатлари халқ вакили юксак унвонига мос келмайдиган, уни тўғридан-тўғри оёқ ости қиладиган ҳаракатлардир.

Республика Олий Кенгашининг Раёсати қонун талабларидан келиб чиқиб ва меҳнаткашларнинг фикрларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Прокуратурасининг тақдимномасини қондирди.

ЖАНУБДА ҲАМ ТАБИИЙ ОФАТ РЎЙ БЕРДИ

● 24 майга ўтар кечаси Қашқадарё вилоятида кучли бўрон бўлди, кейин эса сел қуйди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ зарар етган. Масалан, Карл Маркс номли давлат хўжалигида бўрон 15 гектар боғдаги тонналаб олма меваларини яксон қилди. Узумзорлар, полизлар, пахта далалари ҳам шикастланди. Кўплаб уйларнинг томларидаги шиферни шамол учириб кетди.

Вилоятнинг бошқа хўжаликларида ҳам худди шундай манзарани кўриш мумкин. Бундан ташқари, баъзи ерларда алоқа бузилди, электр линиялари ишдан чиқди. Бунинг оқибатида қатор корхоналар ишни тўхтатишга мажбур бўлди. Энергия бўлмаслиги оқибатида бензин колонкалари ҳам тўхтаб қолди,

Табиий офат оқибатларини тугатиш штаблари эрталабдан бошлабоқ ҳамма ерда ишга тушди. Айниқса, энергетикларнинг иши кўп. Вилоятдаги кўп истеъмолчиларни электр қуввати билан таъминлайдиган Қарши ва Нишон кичик станцияларида бўрон вақтида йиқилган электр линияларининг 22 метрли устунларини зудлик билан тиклаш керак. Алоқачилар Қарши — Талимаржон йўлидаги бир километрли телефон линиясини ўзгартишларига тўғри келади.

Бинобарин барча масалалар шошилинч ҳал қилинмоқда, одамлар ишнинг кўзини билиб, аҳиллик билан ишлашмоқда.

В. ШУМАИЛОВ, ЎзТАГ мухбири.

РАЖИВ ГАНДИ ХОТИРАСИГА

24 май куни Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятида Ҳиндистоннинг атоқли давлат ва сиёсат арбоби Ражив Ганди фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан мотам митинги ўтказилди.

«Ўзбекистон — Ҳиндистон» жамиятининг митингда нутқ сўзлаган фаоллари Ражив Гандининг ўлдирилиши жуда оғир жиноят эканлигини таъкидладилар. У ўзининг бутун куч-ғайратини жаҳон яхшироқ ва адолатлироқ бўлиши учун сарфлади, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга беқиёс ҳисса қўшди. У Совет Иттифоқининг яқин дўсти эди. Қўшилмаслик ҳаракатининг раҳбарларидан бири бўлган Ражив Ганди бутун жаҳонда тинчликни, халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишнинг толмас курашчиси сифатида танилган эди.

Мотам митингида Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги Бош консули Ашок Кумар Мукержи нутқ сўзлади.

Мотам митинги иштирокчилари Деҳлига — Ҳиндистон—Совет маданияти жамиятига, Совет Иттифоқининг дўстлари жамиятига ва Ҳиндистон—Совет маданият ва маориф марказига телеграммалар жўнатдилар. Телеграммаларда Ражив Ганди фожиали ҳалок бўлганлиги муносабати билан Ҳиндистон халқига ҳамдардлик билдирилди.

(ЎзТАГ).

• *Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Қонуни*

ССР ИТТИФОҚИНИНГ МЕҲНАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Олий Кенгаши **қарор қилади:**

ССР Иттифоқининг Меҳнат тўғрисидаги Қонун ҳужжатларига қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1. 1970 йил 15 июлдаги СССР Қонуни билан тасдиқланган ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар Меҳнат қонуни асосларига (СССР Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1970 йил, 29-сон, 265-модда; 1980 йил, 12-сон, 214-модда; 1982 йил, 19-сон, 318-модда; 1983 йил, 5-сон, 74-модда, 33-сон, 507-модда; 1984 йил, 24-сон, 422-модда; 1986 йил, 22-сон, 364-модда; 1988 йил, 6-сон, 95-модда):

1) Асослар қуйидаги мазмундаги 17¹-модда билан тўлдирилсин:

17¹-модда. Ходимлар айрим тоифалари меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асослари.

Ушбу Асосларнинг 17-моддасида кўзда тутилган асослардан ташқари ходимлар айрим тоифалари меҳнат шартномаси қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

1) корхона, муассаса, ташкилот (филиал, ваколатхона, бўлим ва бошқа алоҳида бўлинма) раҳбари ва унинг ўринбосарлари меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузган тақдирда;

2) пул ёки товар бойликлар билан бевосита ишлайдиган ходим айбли иш қилса, агар бу иш унга маъмурият томонидан ишонч йўқолиши учун асос бўлса;

3) тарбиявий вазифаларни бажараётган ходим мазкур ишни давом эттиришга зид бўлган ахлоқсиз хатти-ҳаракатларни содир этса.

ССР Иттифоқи Қонуни ҳамда иттифоқдош республикаларнинг шу Қонун доирасида қабул этиладиган қонунларида ходимларнинг айрим тоифалари ишга қабул қилишнинг белгилаб қўйилган қоидаларини бузган тақдирда ва бошқа ҳолларда меҳнат шартномасини бекор қилишнинг қўшимча асослари белгилаб қўйилиши мумкин»;

2) 18-модда қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

18-модда. Корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти тегишли касаба уюшмаси комитетининг олдиндан берган розилиги билан ёки унинг фикрини ҳисобга олиб ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиши

Ушбу Асослар 17-моддасининг биринчи банди (корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг тугатилган ҳоллардан ташқари), 1¹, 2, 5-бандларида кўзда тутилган асосларга биноан меҳнат шартномаси тегишли касаба уюшмаси комитетининг олдиндан берган розилиги билангина бекор қилиниши мумкин.

Ушбу Асосларнинг 17-моддаси 3, 4, 7, 8-бандларида ва 17¹-модданинг 2- ва 3-бандларида кўзда тутилган асосларга биноан меҳнат шартномаси тегишли касаба уюшмаси комитетининг фикрини ҳисобга олиб бекор қилинади. Касаба уюшмаси комитетининг салбий фикри меҳнат шартномасини бекор қилишга тўсқинлик қилолмайди.

Касаба уюшмаси комитети қабул қилинган қарор тўғрисида ўн кун муддатда маъмуриятга ёзма шаклда хабар қилади»;

3) Асослар қуйидаги мазмунда 18¹-модда билан тўлдирилсин:

18¹-модда. Корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ташаббуси билан тегишли касаба уюшмаси комитетининг олдиндан розилигини олмай ёки унинг фикрини ҳисобга олмай меҳнат шартномасини бекор қилиш:

корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг ташаббуси билан тегишли касаба уюшмаси комитети билан олдиндан келишмай ёки унинг фикрини ҳисобга олмай, меҳнат шартномасини бекор қилишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилади:

корхона, муассаса, ташкилот тугатилганда;

ишга қабул қилиш пайтида белгиланган синов қониқарсиз натижа берганда;

ўриндош бўлмаган бошқа ходимни қабул қилиш муносабати билан ўриндошлик асосида бажарилаётган ишдан, шунингдек, қонунда кўзда тутилган ўриндошлик иши чекланиши муносабати билан ишдан бўшатилганда;

олдин шу ишни бажариб келган ишчи ёки хизматчи ўз ишига тиклганда;

корхона, муассасада, ташкилотда ишлаб турган касаба уюшмасига аъзо бўлмаган ходимни ишдан бўшатганда;

касаба уюшмаси комитети бўлмаган корхонадан, муассасадан, ташкилотдан ишдан бўшатилганда;

корхона, муассаса, ташкилот (филиал, ваколатхона, бўлим ва бошқа алоҳида бўлинма)нинг раҳбари, унинг ўринбосарлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, шунингдек, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари лавозимга сайлаб, тасдиқлаб ёки тайинлаб қўядиган раҳбар ходимлар ишдан бўшатилганда.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Қонун ҳужжатларида тегишли касаба уюшмаси комитетининг розилигисиз ёки унинг фикрини ҳисобга олмай, маъмурият ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг бошқа ҳоллари кўзда тутилиши мумкин»;

4) 54-модда номи ва иккинчи қисмидаги «Интизом тўғрисидаги уставлар» сўзлари «Интизом тўғрисидаги низомномалар ва қоидалар» сўзлари билан алмаштирилсин;

5) 56-моддада: 5-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5) ишдан бўшатиш (17-модданинг 3, 4, 7 ва 8-бандлари, шунингдек 17¹-модданинг 1-банди);

Иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Қонун ҳужжатларида, интизом тўғрисидаги низомномалар ва қоидаларда ишчилар ва хизматчиларнинг айрим тоифалари учун бошқа интизомий чоралар кўзда тутилиши мумкин»;

шу модда қуйидаги мазмунда тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Интизомий жазо чораларини қўлланиш чоғида содир этилган хатти-ҳаракатнинг оғирлиги, бу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги хулқи, меҳнатга муносабати ҳисобга олиниши лозим»;

6) Асослар мазмуни қуйидагича 56¹, 56², 56³-моддалар билан тўлдирилсин:

«56¹-модда. Интизомий жазо чораларини қўлланиш ваколатига эга бўлган идоралар

Интизомий жазо чораларини мазкур ходимни ишга қабул қилиш (лавозимга сайлаш, тасдиқлаш ва тайинлаш) ҳуқуқи берилган идора қўлланади.

ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг интизом тўғрисидаги низомномалари, қоидалари ва бошқа қонун ҳужжатларига биноан интизомий жавобгар бўлувчи ходимларга интизомий жазо чоралари ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган идорага нисбатан юқори идора томонидан ҳам берилиши мумкин.

Сайлаб қўйиладиган лавозимни эгаллаб турган ходимлар фақат уларни сайлаган идоранинг қарори билан ва қонунда кўзда тутилган асосларга биноан гина бўшатилиши мумкин.

56²-модда. Интизомий жазо чораларини қўлланиш ва бу хусусда шикоят қилиш тартиби

Интизомий жазо чораси қўлланилгунга қадар ходимдан ёзма тушунтириш хати талаб қилиниши керак.

Интизомий жазо бевосита аниқланган хатти-ҳаракат учун, лекин шундай хатти-ҳаракат аниқланган кундан бошлаб ходимнинг касаллик ёки отпускада бўлиш вақтини ҳисобга олмай, узоғи билан бир ойда қўлланилади.

Жазо хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб олти ойдан кечиктирмай, молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ёки текшириш натижалари юзасидан эса бундай хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб икки йилдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин. Жиноий иш қўзғатилган давр мазкур муддатга қўшилмайди.

Ҳар бир хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо берилиши мумкин.

Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарор бундай жазони бериш сабаблари кўрсатилиб, жазо берилаётган ходимга эълон қилинади (хабар қилинади) ҳамда буни у ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Интизомий жазо устидан қонунда белгилаб қўйилган тартибда шикоят қилиш мумкин.

Меҳнат низосини кўриб чиқаётган идора содир этилган хатти-ҳаракатнинг қанчалик оғирлигини, у содир этилган вазиятни, ходимнинг олдинги хулқини, меҳнатга муносабатини, шунингдек, интизомий жазонинг содир этилган хатти-ҳаракатнинг оғирлигига мос келишини ҳисобга олишга ҳақлидир.

56³-модда. Интизомий жазони олиб ташлаш

Агар ходим интизомий жазо берилган кундан бошлаб бир йил давомида яна интизомий жазо олмаса, у ҳолда интизомий жазоланмаган ҳисобланади.

Агар жазоланган шахс янги ўринсиз хатти-ҳаракатлар содир этмаса ва ўзини виждонли ходим сифатида кўрсатса, жазо берган идора ўз ташаббуси билан, бевосита раҳбарнинг ёки меҳнат жамоасининг илтимосномаси билан жазони бир йил муддат ўтмасдан олиб ташлаши мумкин.

Интизомий жазо чораси амал қилиб турган муддатда ходим рағбатлантирилмайди»;

7) 86-модда қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«86-модда. Меҳнат низосини кўриб чиқадиган идоралар

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни, жамоа шартномаси ва меҳнат тўғрисидаги бошқа битимларни қўлланиш масалаларига доир меҳнат низоларини қуйидаги идоралар кўриб чиқади:

1) меҳнат низолари комиссиялари;

2) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар (бўлинмалар) касаба уюшмаси комитетлари;

3) район (шаҳар) халқ судлари.

Айрим тоифадаги ходимларнинг баъзи масалаларга доир меҳнат низолари юқори идоралар томонидан кўриб чиқилади (ушбу Асосларнинг 94-моддаси).

Ходимга янги меҳнат шароити белгилаш ёки мавжуд меҳнат шароитини ўзгартириш тўғрисидаги меҳнат низоларини корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти тегишли касаба уюшмаси комитети билан биргаликда ўзларига берилган ҳуқуқлар доирасида ҳал этади»;

8) 87-модданинг иккинчи қисми олиб ташлансин;

9) 88-модда қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«88-модда. Корхона, муассаса, ташкилот (бўлинма) касаба уюшмаси комитетининг меҳнат низоларини кўриб чиқиши

Корхона, муассаса, ташкилот (бўлинма) касаба уюшмаси комитети ишчилар ва хизматчилар ёки маъмурият меҳнат низолари комиссиясининг қарорига қўшилмаган тақдирда, агар Қонунда бундай низоларни кўриб чиқишнинг ўзга тартиби кўзда тутилмаган бўлса, уларнинг аризаларига биноан меҳнат низоларини кўриб чиқади. Касаба уюшмаси комитети низо моҳияти юзасидан қарор чиқаради»;

10) 89-модда қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«89-модда. Район (шаҳар) халқ судларида меҳнат низоларини кўриб чиқиш

Район (шаҳар) халқ судларида меҳнат низолари:

1) ишчи, хизматчи, маъмурият ёки касаба уюшмаси меҳнат низолари комиссияси қарорига қўшилмаган тақдирда уларнинг аризаларига биноан;

2) ишчи, хизматчи ёки маъмурият касаба уюшмаси комитетининг қарорига қўшилмаган тақдирда уларнинг аризасига биноан;

3) агар корхона, муассаса, ташкилот (бўлинма)да бир нечта касаба уюшмаси мавжуд бўлса, ишчи, хизматчи ёки маъмурият меҳнат низолари комиссиясининг қарорига қўшилмаган тақдирда уларнинг аризасига биноан;

4) агар меҳнат низолари комиссиясининг ёки касаба уюшмаси комитетининг қарори Қонунга зид бўлса, прокурорнинг аризасига биноан кўриб чиқилади.

Бевосита район (шаҳар) халқ судларида меҳнат низолари:

1) меҳнат низолари комиссияси сайланмайдиган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ишчилари ва хизматчиларининг аризаларига биноан;

2) ишчилар ва хизматчиларнинг меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъи назар, ишга тиклаш, ишдан бўшатиш вақти ҳамда сабаби баёнини ўзгартириш, прогул қилишга мажбур бўлган ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақти учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги аризаларига биноан, меҳнат низоларини кўриб чиқишни ўзгача тартиби кўзда тутилган ходимларнинг низолари бундан мустаснодир;

3) маъмуриятнинг ишчи ва хизматчи корхонага, муассасага, ташкилотга етказган моддий зарарни ундириб олиш тўғрисидаги аризасига биноан;

4) ишчилар ва хизматчиларнинг амалдаги Қонунга мувофиқ корхона, муассаса, ташкилот (бўлинма) маъмурияти ва касаба уюшмаси комитети томонидан уларга берилган ҳуқуқлар доирасида ҳал қилинган меҳнат қонунларини қўлланиш масалаларига доир аризаларига биноан.

Район (шаҳар) халқ судларида бевосита: бошқа корхонадан, муассасадан, ташкилотдан чақириб олиш тартибида ишга таклиф этилган шахсларнинг;

Олий ёки ўрта махсус ўқув юртини битирган ёш мутахассисларнинг, шунингдек, ҳунар-техника билим юртини тамомлаган ва белгиланган тартибда мазкур корхонага, муассасага, ташкилотга ишга юборилган шахсларнинг;

Қонунга мувофиқ корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти меҳнат шартномаси тузишга мажбур бўлган бошқа шахсларнинг ишга қабул қилишдан бош тортиш тўғрисидаги низолари ҳам кўриб чиқилади»;

11) 90-модданинг тўртинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Суд ёки юқори идоранинг ишга тиклашни рад этиш тўғрисидаги қарори кучга кирган пайтдан бошлаб, икки йилдан кейин берилган шикоятлар кўриб чиқилмайди»;

12) 91-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Агар корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти ишчи ёки хизматчи билан меҳнат шартномасини тегишли касаба уюшмаси комитетига мурожаат қилмай (ушбу Асосларнинг 18-моддаси) бекор қилган бўлса, суд ишни кўриб чиқишни тўхтатиб, касаба уюшмаси комитетининг розилиги ёки фикрини сўрайди, касаба уюшмаси комитетининг розилиги ёки фикри олингандан кейин низонинг моҳиятини кўриб чиқади. Касаба уюшмаси комитети ходимни ишдан бўшатишга розилик беришдан бош тортган тақдирда (ушбу Асослар 18-моддасининг биринчи қисми) суд уни ишга тиклаш тўғрисида қарор қабул қилади»);

13) 92-моддадаги «лекин уч ойдан ошмаслиги керак» деган сўзлар «лекин бир йилдан ошмаслиги керак» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) 94-модда қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«94-модда. Айрим тоифадаги ходимларнинг ишдан бўшатилиш, бошқа ишга ўтказилиш ва интизомий жазо берилиши масалаларига доир низоларини кўриб чиқиш

ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва мухтор республикалар давлат ҳокимияти ва бошқаруви олий идоралари сайлаб қўядиган, тасдиқлайдиган ёки тайинлайдиган раҳбар ходимларнинг, судьяларнинг, прокурорлар, уларнинг ўринбосарлари ва ёрдамчиларининг, шунингдек, прокуратура терговчиларининг ишдан бўшатиш, ишдан бўшатиш вақтини ва сабаби баёнини ўзгартириш, бошқа ишга ўтказиш, прогул қилишга мажбур бўлган ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақти учун ҳақ тўлаш ва интизомий жазо чораларини қўлланиш масалаларига доир низолари юқори идоралар томонидан кўриб чиқилади.

Ходим юқори идора қарори билан олдинги ишига тиклланган тақдирда ишдан бўшатилган кундан бошлаб прогул қилишга мажбур бўлган вақти учун ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарганни учун ҳақ тўланади, лекин бу вақт бир йилдан ошмаслиги керак. Бунда тегишли равишда ушбу Асосларнинг 92- ва 93-моддалари қўлланилади»;

15) 99⁴ модданинг иккинчи қисмидан «Раҳбарларнинг, мастерларнинг ишдан бўшатилганлик ҳақидаги шикоятлари, бригадирларнинг эса бригадага раҳбарлик қилишга доир шикоятлари юқори хўжалик ва касаба уюшмаси идоралари томонидан биргаликда кўриб чиқилади» сўзлари чиқариб ташлансин;

16) 106-модданинг тўртинчи банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«4) ишчилар ва хизматчилар айрим тоифаларининг муайян шароитларда меҳнат шартномасини бекор қилишига доир қўшимча асослар»;

17) 107-модданинг биринчи қисмидаги «Меҳнат низолари бўйсуниш тартибида кўриб чиқиладиган ходимлар тоифалари (94-модданинг биринчи қисми)» сўзлари «Меҳнат низолари юқори идоралар томонидан кўриб чиқиладиган ходимларнинг тоифалари (94-модданинг биринчи қисми)» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси комитетининг СССР Олий Кенгаши Раёсатининг 1971 йил 27 сентябрдаги Фармони билан тасдиқланган ҳуқуқлари тўғрисидаги Низомнинг 18- ва 19-моддалари (СССР Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1971 йил, 39-сон, 382-модда, 1982 йил, 19-сон, 318-модда; 1988 йил, 6-сон, 95-модда) қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«18. Корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти меҳнат шартномасини бекор қилгунга қадар у ходимни ишдан бўшатишга розилигини ёки фикрини олиш учун тегишли касаба уюшмаси комитетига ёзма равишда мурожаат қилишга мажбурдир, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг Қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустаснодир.

19. Корхона, муассаса, ташкилот касаба уюшмаси комитети ишчилар, хизматчилар ёки маъмурият меҳнат низолари комиссиясининг қарорига қўшилмаган тақдирда Қонунда уларни кўриб чиқишнинг ўзга тартиби кўзда тутилмаган бўлса, уларнинг аризасига биноан меҳнат низоларини кўриб чиқади. Касаба уюшмаси комитети низо моҳияти юзасидан қарор қабул қилади».

3. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

СССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Кенгашининг «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар интизомий қонунлари Асослари тўғрисида»ги 1929 йил 13 октябрь қарори (СССР қонунлари тўплами, 1929 йил, 71-сон, 670-модда);

СССР Марказий Ижроия Комитетининг «ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитети сессияларининг ўртасидаги даврда қабул қилинган ва ССР Иттифоқи Конституциясининг 18-моддасига асосан бешинчи чақириқ ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитетининг иккинчи сессиясида тасдиқланиши лозим бўлган қарорларни тасдиқлаш ҳақида»ги 1929 йил 8 декабрь қарорининг 86-банди (СССР қонунлари тўплами, 1929 йил, 75-сон, 723-модда);

СССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Кенгашининг «Хизмат бинолари ва иморатларни умумий ва ёнғиндан сақлаш қоидаларини ҳамда хизмат ҳужжатларини сақлаш қоидаларини бузганлик учун муассасалар ҳамда хўжалик идоралари бошқарув аппарати ходимларининг жавобгарлиги тўғрисида»ги 1932 йил 7 июль қарори (СССР қонунлари тўплами, 1932 йил, 53-сон, 319-модда);

СССР Олий Кенгаши Раёсатининг 1956 йил 3 сентябрда қабул қилган «СССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Кенгашининг хизмат бинолари ва иморатларни умумий ва ёнғиндан сақлаш қоидаларини ҳамда хизмат ҳужжатларини сақлаш қоидаларини бузганлик учун муассасалар ҳамда хўжалик идоралари бошқарув аппарати ходимларининг масъулияти тўғрисида»ги 1932 йил 7 июль қарорини ўзгартириш тўғрисидаги Фармони» (СССР Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1956 йил, 18-сон, 391-модда);

СССР Олий Кенгаши Раёсатининг 1961 йил 19 январда қабул қилган «Иттифоқдош республикалар суд тузилиши, гражданлик, жиноий ва судлов кодексларини қабул қилишни иттифоқдош республикалар ихтиёрига ўтказиш тўғрисида» 1957 йил 11 февралдаги СССР Қонуни, жиноят қонунини, суд тузилиши тўғрисидаги Қонун асослари, жиноий суд юритиш асосларини, ҳарбий трибуналлар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 1958 йил 25 декабрда қабул қилинган СССР қонунлари, давлат жиноятлари ва ҳарбий жиноятлар учун жиноий жавобгарлик тўғрисидаги 1958 йил 25 декабрда қабул қилинган СССР қонунлари муносабати билан қонун ҳужжатларини ўзгартириш ва уларнинг кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Фармонининг иккинчи моддаси (СССР Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1961 йил 4-сон, 35-модда).

СССР Олий Кенгаши Раёсатининг «Касаба уюшмаси фабрика, завод, маҳаллий комитети ҳуқуқлари тўғрисидаги Низомнинг 10-моддасини қўлланиш тартиби ҳақида» 1965 йил 30 сентябрдаги қарори (СССР Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1965 йил, 40-сон, 587-модда);

СССР Олий Кенгаши Раёсатининг «Умумий таълим мактабларининг аттестация натижасида эгаллаб турган лавозимига муносиб эмас, деб ҳисобланган ўқитувчиларини ишдан бўшатиш ёки ишдан бўшатиш сабаблари баёнини ўзгартиришга доир меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида»ги 1974 йил 7 май Фармони (СССР Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1974 йил, 20-сон, 307-модда);

СССР Олий Кенгаши Раёсатининг «Меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 1974 йил 20 май Фармони (СССР Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1974 йил, 22-сон, 325-модда);

СССР Олий Кенгаши Раёсатининг «Гражданларнинг ҳуқуқий муносабатлари, никоҳ ва оила, меҳнат ва ижтимоий таъминот масалаларига доир СССР-нинг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги 1983 йил 12 август Фармонининг 3-моддаси (СССР Олий Кенгаши ахборотномаси, 1983 йил, 33-сон, 507-модда);

«СССР Олий Кенгаши Раёсатининг меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш ҳақида» 1974 йил 26 июлда қабул қилинган СССР Қонуни (СССР Олий Кенгашининг ахборотномаси 1974 йил. 31-сон, 469-модда).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 12 май.

• *СССР Вазирлар Маҳкамасида*

ЧАКАНА НАРХЛАР ИСЛОҲОТИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

● Чакана нархларни ислоҳ қилиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари юзасидан ССР Иттифоқи билан жумҳуриятларнинг битимида нарх ва даромадлар соҳасида келишилган умумий сиёсатни ўтказиш кўзда тутилган.

Шунга қарамай, жумҳуриятлар ва маҳаллий ҳокимият идоралари раҳбарлиги коммунал ва маиший хизматнинг айрим турларига, шунингдек, нархи жумҳурият ва маҳаллий бошқарув идоралари томонидан белгиланадиган бир қанча халқ истеъмоли моллари чакана нархлари ва тарифларини ошириш тўғрисида қарор қабул қилди, бу эса мазкур битимда кўзда тутилмаган эди. Бу аҳоли учун, аввало, аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ўнча ҳимояланмаган табақалари — болалар, ўқувчи ёшлар, ногиронлар, пенсионерлар, ёшлар, отасиз ёки онасиз оилалар ва кўп болали оилалар учун қўшимча қийинчилик туғдирди.

Бундай шароитда СССР ҳукумати нарх ва тарифларни мазкур оширишдан олинган даромадларни аҳолига компенсация тўловлари миқдорини оширишга ажратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

СССР Вазирлар Маҳкамаси аҳолининг ижтимоий ҳимояланишини кучайтириш мақсадида қарор қабул қилди, унда халқ хўжалигининг металлургия ва бошқа тармоқларида, ер ости ва очиқ кон ишларида банд бўлган ходимларга компенсация тўловларининг энг кам миқдорини кўпайтириш, компенсация миқдорини табақалаштириб: ер остида ишловчиларга — 105 сўм; очиқ конларда, карьерларда ишловчиларга — 100 сўм; технология занжиридаги очиқ шахталар, конлар ва карьерларда, бойитиш фабрикаларининг асосий цехларида, шунингдек, технология билан боғлиқ автомобиль ва темир йўл транспорти ва ҳарбийлаштирилган кон-қутқариш қисмлари ходимларига — 80 сўм миқдорида белгилаш кўзда тутилган.

Корхоналарга, бирлашмаларга ва ташкилотларга 1991 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб халқ истеъмоли моллари сотиш ва аҳолига пулли хизмат кўрсатиш ҳажмини тегишли равишда кўпайтирган тақдирда уларнинг ихтиёрида қоладиган фойда ҳисобидан компенсация тўловларининг кафолатли энг кам миқдорига қўшимча равишда компенсация тўлаш учун ҳар бир ходимга ойига 400 сўм ҳисобидан истеъмолга ажратиладиган маблағнинг базавий миқдорини кўпайтириш ҳуқуқи берилди

Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларга иш ҳақини ошириш билан бир қаторда истеъмоли учун, ижтимоий-меҳнат имтиёзлари бериш, шу жумладан, ошхоналарда, буфетларда ва профилакторийларда, шунингдек, болалар санаторийлари, яслилари, пионерлар лагерлари ва соғломлаштириш лагерларида овқатланиш қиймати ошганлиги учун компенсация тўлаш билан боғлиқ тўловларни кўпайтиришга қўшимча маблағ ажратиш тавсия этилди.

СССР вазирликлари ва идораларига, корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларга 1991 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб компенсация тўловларини тариф ставкалари ва мансаб маошларига қўшиб меҳнатга ҳақ тўлашни босқичма-босқич ошириш, ижтимоий-меҳнат имтиёзларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида тармоқ касаба уюшмаларининг тегишли бирлашмалари ва касаба уюшмалари комитетлари билан битим тузиш топширилди. Халқ хўжалигининг базавий тармоқларида бошқа шартлар ва мажбуриятлар кўзда тутилиши мумкин.

Жумҳуриятларнинг ҳукуматларига ва касаба уюшмалари бирлашмаларига шундай битимлар тузишга доир ишларни амалга ошириш тавсия этилди.

Корхоналарга бир ярим ёшдан уч ёшгача бўлган болаларга қараш учун отпускага чиққан аёлларга корхона тасарруфида қоладиган фойда ҳисобидан ҳар ойда компенсация тўлаш ҳуқуқидан кенг фойдаланиш тавсия қилинди. Ана шу мақсадга сарфланган маблағ истеъмолга ажратиладиган маблағ миқдорини аниқлаш чоғида ҳисобга олинмайди.

Ишлаётган фуқаролардан пенсия фондига ушлаётган мажбурий суғурта бадалларини яккама-якка ҳисобга одишни ташкил этиш, бунда пенсия фондига қўшган ана шу маблағ ҳисобидан уларга тайинланадиган пенсия миқдорини кўпайтиришни кўзда тутиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Жумҳуриятларнинг ҳукуматларига ногиронларнинг жамоат тузилмаларига бюджетдан дотация тарзида, солиқ тўлашда имтиёзлар бериш тарзида молиявий мадад бериш тавсия қилинди.

Иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳукуматлари билан келишилиб, Москва, Ленинград, Киев, Минск, Тошкент, Олмаота, Тбилиси, Боку, Вильнюс, Кишинев, Рига, Бишкек, Душанбе, Ереван, Ашхобод, Таллинн шаҳарларига хизмат сафарлари билан боғлиқ қўшимча харажатлар корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ходимларига хизмат сафарида бўлган ҳар бир кун учун 25 сўм миқдорида, бошқа шаҳарлар ва қароргоҳларга хизмат сафари учун ҳар кунига 20 сўм миқдорида тўланиши белгилаб қўйилди, бунда амалда қилинган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмайди.

Жумҳуриятларнинг ҳукуматларига касаба уюшмалари мулки ҳисобланган ёки касаба уюшмалари фойдаланаётган маданий-маърифий, мактабдан ташқари оммавий жисмоний тарбия ва спорт муассасалари ходимларига компенсация тўлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш, бунда ана шу тўловларнинг касаба уюшмалари маблағи билан қопланмайдиган қисмини бюджет ёки ўзга манбалар маблағи ҳисобидан тўлашни кўзда тутиш тавсия қилинди.

Қарорда баъзи бошқа чора-тадбирлар ҳам кўзда тутилган.

СССР ОЛИЙ СУДИДА

«Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида» СССР Қонуни қабул қилиниши муносабати билан СССР Олий судига оммавий ахборот воситалари ва судлардан аризалар тушди, уларда мазкур Қонуннинг фуқаролар ва ташкилотлар шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш тўғрисидаги ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар Гражданлик қонуни асосларининг 7-моддасига муносабати тўғрисидаги масала қўйилган.

СССР Олий судининг пленуми 1991 йил 17 май қарорида агар даъвогар рад этаётган маълумотларни оммавий ахборот воситалари расмий хабарлардан, йиғилишларда сўзланган нутқлардан ёки эфирга берилган муаллиф нутқларидан ёки ахборот агентликларидан олган бўлса («матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги СССР Қонунининг 38-моддаси), у ҳолда судлар жавобгар сифатида оммавий ахборот воситаларининг таҳририяти билан биргаликда ана шундай ахборот манбаи ҳисобланган идора ёки шахсни жавобгар сифатида ишда қатнашишга жалб этиши лозимлигини тушунтириб берган эди. Бундай ҳолларда тарқатилган маълумотлар ҳақиқатга тўғри келишини исботлаб бериш вазифаси мазкур идора ёки шахс зиммасига юклатилади.

Гражданлик қонуни асослари 7-моддасига мувофиқ оммалаштирилган маълумотларни даъвогарнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширувчи ва ҳақиқатга тўғри келмайдиган ахборот деб ҳисоблаган суд қарори тўғрисидаги матбуотда босиладиган ёки радио, телевидение ва шу кабилар орқали эшиттириладиган хабарни ўша оммавий ахборот воситаларининг ўзи эълон қилади.

Фуқаро ёки ташкилот ҳақиқатга тўғри келмайдиган ҳамда шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган маълумотларни тарқатган бир неча оммавий ахборот воситаси ва бошқа органлар ва шахсларга бир вақтнинг ўзида судга даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

«Совет Ўзбекистони» материаллари изидан

«ҚИММАТГА ТУШАЁТГАН БОЙЛИК»

Рўзноманинг шу йил 6 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада жумҳурият колхоз ва совхозларида тут барги етиштиришни кўпайтиришга эътибор берилмаётгани, шунингдек, пилла қуртини боқишда илғорлар тажрибаси, илм-фан ютуқларидан фойдаланиш талаб даражасида эмаслиги танқид қилинганди. Яқинда УЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИдан расмий жавоб олинди.

— Мақола вазирлик ҳайъатида кўриб чиқилди. Дарҳақиқат, вазирлик тасарруфидаги қатор хўжаликларда мевасабзавотни кўпайтириш баҳонасида тут дарахтлари қўпориб ташланган.

Ҳозир вазирлик томонидан ипак қуртлари озуқа базасини мустаҳкамлаш, пилла тайёрлаш режаларини бажариш, тармоқни юқори сифатли қурт уруғи билан таъминлаш учун мавжуд барча имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Тут кўчатлари ўтказиш бўйича бу йилги топшириқ ортиғи билан уддаланди. Андижон вилоятида 100 гектар ерга тут ниҳоллари экилди. Бошқа вилоятларда ҳам тут кўчатлари ўтказишга эътибор берилаётир.

Пиллачиликни янада ривожлантириш ва хўжаликларни сифатли пилла қурти уруғига бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш мақсадида яқин келажакда ўнта уруғчилик заводи қуриш мўлжалланяпти. Бунинг учун керакли маблағ, асбоб-ускуна ва материаллар ажратилаётир. Жумҳурият Қишлоқ хўжалиги вазирлиги илмий-тадқиқот институтлари билан биргаликда пилла қурти маҳсулдорлигини ошириш, мўл-кўл пилла берадиган дурагайлар ва технологияларни яратиш, пиллачиликни саноат асосига ўтказиш йўли билан тармоқни ривожлантириш тадбирларини кўрмоқда.

• ИНСОН ТАҚДИРИ •

ТЕРАН ТОМИРЛАР

Ўйлаб ўйнга етолмаган Жаҳон ўша тунн мижжа қоқмади. Кўзларини шифтга тикиб, бутун ҳаётини кўз ўнгидан ўтказди.

Унинг отаси Карим деҳқон ўзига тинч оила бошлиғи эди. Қирқ таноб ери, мол-ҳоли оиланинг тўқ турмуши учун яхши асос эди. Инқилобдан кейин у, бутун мол-мулкини халқ ҳокимиятига топшириб, ихтиёрий равишда чўлга чиқди. Тер тўкиб, янгидан очган ерда буғдой экиб мўл ҳосил олгач, яна қаддини ростлади. Аммо колхозга кирмагани учун қулоқликда айбланиб, оиласи билан Шимолий Кавказга беш йилга бадарға қилинди.

Карим деҳқон энди сургун муддатини ўтаб Ватанга қайтиш тараддудида эдики, жумҳурият раҳбарлари Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов халқ душмани деб айбланиб, бадарғанинг муддати яна беш йилга узайтирилди. Бу муддат ҳам ўтиб бўлгач Улуғ Ватан уруши бошланди.

Шундай қилиб, Карим деҳқон уруш йилларида етти фарзанди ва хотинининг жасадини ўзга тупроққа топшириб, Ўзбекистонга қайтишга рухсат олди. Қаҳатчилик йилларида ўзидек сўққа бош бўлиб қолган бухоролик аёлга уйланиб, қадрдон Гардиён қишлоғига қайтди. Ўн беш йиллик бадарға чинордек бақувват гавдали йигитнинг қаддини буккан бўлса ҳам иродасини бука олмади. У яна деҳқончилик билан шуғуллана бошлади.

Сургундан қайтган янги оилада туғилган тўнғич ўғлига Жаҳон деб исм қўйишди. Зеро, Муборак опа узоқ Ставрополь ўлкасида юкли бўлиб, тўнғич фарзанд бу ердан минглаб чақирим узоқликдаги ўз ватанида туғилган эди.

Жамоа хўжалигига аъзо бўлмасликнинг аянчли мусибатларини бошидан кечирган Карим ака колхознинг намунали аъзосига айланди. Ўғли бироз ўсиб улғайгач, ота уни ҳам ўз қанотига олди.

Суяги меҳнатда қотган Жаҳон ёзда дарёга «сепоя» қўйиб сув, кузда плугни бошқариб шудгор кўтарди. Лекин ёш оиланинг бири икки бўлмади. Карим деҳқон тўнғич ўғилни барвақт уйлантирган эди.

Жаҳоннинг изтиробларини индамай кузатган ота кунларнинг бирида уни ёнига чақириб, олдига бир даста уч сўмликни қўйди.

— Колхоз тузилгандан буён деҳқончилик билан ҳеч ким бойигани йўқ, ўғлим, — деди у чуқур уф тортиб. — Мана, пул. Бухорога бориб ўқишга кирасан. Агар пулимиз етмай қолса, сигирни ҳам сотамиз...

Бунга эҳтиёж бўлмади. Жаҳон Бухоро педагогика институтининг география факультетига сиртқи бўлимга ўқишга кирди, мактабда ишлай бошлади. Шундан кейинги ўн йил институтда таҳсил кўриш, ўқитувчиликнинг амалий малакасини ҳосил қилиш билан ўтди..

Лекин аста-секин касбнинг маромини олиб, бўш вақти пайдо бўлгач, яна қўли кетмон сари чўзила бошлади. Дастлаб мактаб ҳузурида теплица хўжалигини ташкил қилишга бош бўлди. Кейин қишлоқ яқинидаги Шайхривайрон тепалиги остидаги тўрт гектарлик партов ерни кўз остига олиб, обод қилди. Озуқа етиштириб, мол боққач, анча қаддини ростлаб олди.

Ўқитувчининг уддабуронлиги «Ўзбекистон» колхози раҳбарларига маъқул тушди. Унга чўлдан 7 гектар ер ажратилиб, Жаҳон чўлқуварлар саркорига айланди. Тонг саҳарлаб мотоциклини эгарлайди-да, чўлга ошиқади. У ерда ишни ташкил қилиб, мактабга шошилади. Дарсини ўтиб олгач, озгина ҳордиқ чиқариб яна кечгача далада бўлади. Эрталабгача келгуси дарсларнинг конспектини ҳам тузиш керак...

Кимгадир бундай тиғиз ҳаёт жадвали эриш туюлар. Лекин Жаҳон учун бу одатдаги иш тартибига айланиб қолганди. Карим деҳқоннинг қонига сингиб кетган меҳнатсеварлик, ишбилармонлик ўғилга кўчган эди.

Чўлдан ер олган дастлабки йилидаёқ у бошлиқ бригада пахтадан мўл ҳосил етиштирди. Маликчўлда деҳқончилик қилиш мумкин эканлигини амалда исботлади. Келгуси йили жамоа бошқаруви унга ўз бригадаси билан Зарафшон қирғоғидан ўттиз гектар ер очиб деҳқончилик қилишни таклиф этди. Жаҳон жавобини эртага айтишини билдириб идорадан чиқди.

Мана энди у катта очилган кўзларини ҳамон хонанинг шифтига тикканича ўйга чўмган эди. Ахир яхши одамдан боғ қолади, деб беҳуда айтишмайдику. Раиснинг кечаги таклифини эшитдию, кўнглидаги орзулари туғён уриб тинчлигини бузди.

Жаҳон таклиф қилинаётган ерни бориб кўргандан кейин аниқ жавоб беришга қарор қилди. Эртасига тушлик пайтида мотоциклини миниб, Зарафшон бўйига ошиқди. Чўл эса оч бўридек уввос тортаётган шамоли билан уни қаршилади.

Маликчўлнинг дарё қирғоғидаги бу ерларини беҳудага Бўрихона деб аташмаган. Тирик жон бу жойларни четлаб ўтишни маъқул кўрарди. Сирасини айтганда, бу тошлоқда бир нарса ундириш амри маҳол. Мана, ўтган йили ҳам хўжаликнинг забардаст бригадирларидан бири уни ўзлаштираман деб жони ҳалак бўлгач, қўл силтаб қишлоққа қайтганди.

Жаҳон қирғоқ бўйлаб юриб, майдон чамалади, кетмон билан ер ағдариб, тупроқни кафтида узоқ эзғилади. Эртанги куни эса раис ҳузурига кириб, бу ерни ўзлаштиришга розилик берди.

Орадан бир неча кун ўтар-ўтмас дарё бўйида иш қизиб кетди. Гардиёнлик бир неча йигит Жаҳон бошчилигида чўлни гулистонга айлантиришга бел боғлашди. У кун ёришмай йигитларни бошлаб чўлга чиқар, ишни ташкил қилиб эртанги қўнғироққача мактабда ҳозир бўларди.

«Олтой» насоси ўрнатилиб, қазилган ариқ бўйлаб шалдираб Зарафшон суви қилинди. Омилкор, сергайрат кишининг муваффақиятини қўлидан дуруст иш келмайдиган айрим одамлар нақадар раво кўрмаслигини у мана шунда ҳис қилди.

Қизилтепа район халқ маорифи бўлимига Ушинский номли мактаб география ўқитувчиси Ж. Бозоровнинг устидан хат тушди. Унда сил касалига мубтало бўлган ўқитувчига болаларга дарс беришга ким рухсат берди, деган савол қўйилган эди. Жаҳон ҳеч қандай касали йўқлигини тегишли ҳужжатлар билан тасдиқлайман, деб ўзига яна душман орттирди. Охири бардоши тугаб, шу яқиндаги ўзи таҳсил кўрган Муқимий номли мактабга ишга ўтди. Мактабда ўз фани бўйича бўш дарс бўлмагани учун тайёрлов гуруҳида машғулот ўтишга мажбур бўлди.

Мухолифлар энди унга бошқа томондан ҳужум қилишди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумидан кейинги район ташкилотларига чўл бригадаси бошлиғи Ж. Бозоров пахтани қўшиб ёзгани тўғрисида мактублар ёғилди. Унинг иши терговга тушди. Хайриятки, 1984 йилда топширган 27 тонна пахтанинг ҳужжатларидан бир нусхасини пухталик қилиб ўзида сақлаб қолган экан.

Туҳматчилар бу билан ҳам мақсадларига эриша олмагач, унга «қулоқ фарзанди» деган айбни қўйишга уринишди. Мактаб бошланғич партия ташкилоти йиғилишида бу масала юзасидан қатъий мунозара бўлиб ўтди. Партия билетини окопда олган ҳамкасби Сафар Ҳусенов кўксини унга қалқон қилди.

Шикоятчилар эса тинмай хат ёздиришарди. Қизилтепа район партия комитетининг собиқ раҳбарлари Ж. Бозоровни партия сафидан ўчириб, уларни тинчитишди. Бунинг учун бюрога «асос» ҳам топилди. Ж. Бозоровга партияга кириш пайти берилган тавсияномалардан бири рисолага яраша ёзилмаган экан...

Ташқарида эса қайта қуриш шамоли эса бошлаган эди. Ҳақиқатнинг букилса ҳам синмаслиги яна ўзини амалда намоён этди. Тўрт ойлик танаффусдан кейин собиқ Навоий вилоят партия қўмитасининг бюроси уни партия аъзолигига тиклади. Иғвогарларнинг дами ичига тушиб кетди.

Қайта қуриш кўпгина қарашларда тўнтариш ясади. Бундан бир неча йил муқаддам уддабуронлик қилиб ҳаётда қандайдир муваффақиятга эришган кишини шахсий бойлик орттиришда айблаб ер билан яксон қилиш осон эди. Энди бўлса, ишбилармонлик энг аъло фазилат. У ёғини айтганда Жаҳон Бозоров уддабуронлик қилган бўлса ҳам эл учун қилган. Аммо кеча-кундуз тиним билмай ишлагани билан молдунё орттиргани йўқ.

Хўш, унинг бошига шунчалик мусибатларни солган туҳматчилар ким эди? Бу саволимизга Жаҳон қўл силтаб қўйди. Қаттиқ меҳнатдан қаварган бу қўллар ҳатто душманига ҳам шикаст етказишни истамайди. Ҳаётнинг ўзи сарагини саракка, пучагини пучакка чиқариб қўяди.

Ҳақиқат қарор топганидан кейин у яна қадрдон мактабига қайтди. Ҳамон ёшларга таълим бермоқда. Айни маҳалда мактаб қошида музей ташкил қилиш, география майдончасини жиҳозлаш тараддудида. Бир инсон шунча кўп ташвишни ихтиёрий равишда зиммасига олганининг ўзи олижаноблик эмасми?

...Жаҳон Бозоров билан кейинги учрашувимиз яна Зарафшон қирғоғида бўлди. Бундан бир неча йил муқаддам ундан тортиб олинган ерлар энди «Бўстон» давлат хўжалиги ихтиёрига ўтган экан. Жаҳон яна сувнинг бошида. Ўн беш гектар ерни ижарага олиб, янги пахтазорлар, полиз ва чорбоғлар яратмоқда. Ўғли Оқилжон, қадрдон дўстлари Йўлдош Файзиев, Самад Худойназаров у билан ёнма-ён туриб ишлашяпти.

Дарвоқе, хўжалик жамоаси тўла ижара пудратига кўчиб ишламоқда. Барча экин майдони ижарачиларга бўлиб берилган. Жамоада ижарачи бригадалар, звенолар, алоҳида пудратчилар ҳам бор. Жаҳон Бозоров шуларнинг бири.

Интилганга толе ёр бўлсин. Жаҳон Бозоров каби кишилар халқимиз қаддини тиклаб турган томирлар. Маъмурий-буйруқбозлик тартиботи узоқ йиллар давомида ўзбек деҳқонининг қон-қонига сингиб кетган ишбилармонликнинг пайини қирқиб келди. Лекин доно халқ ўтмишининг энг чуқур қатламларидан сув ичаётган бу теран томирларни қурита олмади.

Умид қиламизки, у кунлар ўтмишда абадий қолди. Жаҳон сингари деҳқон фарзандлари эса қисқа вақт ичида юртимиз шуҳрати яна тикланиши учун астойдил ҳисса қўшиши шубҳасиз.

Н. НАИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

26 май — Кимёгарлар куни



ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Тошкентдаги «Узхимфарм» ишлаб чиқариш бирлашмаси — янгича изланишлар олиб бораётган корхоналардан бири. Бу ерда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган 90 дан зиёд номдаги дори-дармон ишлаб чиқарилади. Ушбу маҳсулотларнинг 30 фоиздан кўпроғи эса Иттифоқимизнинг бошқа заводларида тайёрланмайди.

Бирлашма аҳли йил бошиданоқ бозор иқтисодиёти шароитида ишлашга пухта ҳозирлик кўрди. Аввалига барча цех ва участкаларда кенг тушунтириш ишлари олиб борилди. Малакали мутахассислар, билимдон иқтисодчилар ишчиларга бозор иқтисодиёти, хўжалик тузилмасини қайта қуришнинг афзалликларини гапириб бердилар. Бу йўлдаги қийинчиликлар ҳам рўй-рост айтилди. Хуллас, имконият ва резервлар ҳисобга олиниб, бир йиллик тадбирлар белгиланди.

Дастлабки ҳаракат тартиб-интизомни мустаҳкамлашдан, ишга масъулиятни оширишдан бошланди. Корхонада меҳнатнинг янги шакли — ижара пудратини жорий этишга алоҳида эътибор берилди. Шуниси қувончлики, ўтган даврда хом ашё танқислигига қарамай ҳар бир ишчи, ҳар бир ходим ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилишга интилди. Натижада корхонада иш маромн бузилмади. Қайтанга барқарорликка эришилди. Ҳатто баъзи дори-дармон турларини тайёрлаш бирмунча кўпайди.

Шу йилнинг биринчи кварталн мобайнида бирлашма жамоаси қарийб икки миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Ушбу маҳсулотлар Иттифоқимизнинг 400 дан зиёд истеъмолчи пунктларига жўнатилди. Айни пайтда сифатли дори-дармонларга бўлган талаб янада ошмоқда. Шуни ҳисобга олиб корхона мутахассислари шифобахш маҳсулот турларини кўпайтиришга ҳаракат қилишяпти.

Изланишлар ўз мевасини бермоқда, — дейди бирлашма катта кимёгари Дилдора Абдуллабекова. — Ҳозир корхона марказий лабораториясида дорилар тайёрлаб чиқариш технологияси ва уларни такомиллаштириш устида иш олиб боряпмиз. Доривор препаратларни стандартлаш ва сақлаш муддатини узайтириш хусусида ҳам жиддий бош қотиряпмиз. Лекин айрим хом ашё турлари етишмаслиги ишимизни бир оз бўлса-да қийинлаштирмоқда. Агар корхонада хом ашёнинг 96 фоизи бошқа республикалардан келтирилишини ҳисобга олсак, бу муаммонинг бирлашма учун ўта жиддийлигини тушуниш қийин эмас.

Бирлашма маъмурияти қўл қовуштириб ўтирганн йўқ. Зарур пайтда имконият қидириб, тегишли Иттифоқ корхоналари билан бевосита алоқа ўрнатмоқда. Ички резервлардан ҳам унумли фойдаланиляпти. Гапнинг рости, улар изласа имкон топилаверишини амалий иш билан исботламоқдалар.

А. ОРТИҚОВ.

Тошкентдаги «Совпластитал» корхонаси пластмассадан турли буюмлар тайёрлаб чиқаради. У қисқа фурсатда кимёвий хом ашё нималарга қодирлигини намоён этди.

Суратларда: илғор ишчилардан бир гуруҳи.

Л. ГУСЕЙНОВ олган суратлар.

● ЯНГИЛИКЛАР

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

● Сурхон воҳаси аҳолиси яна бир қулайликка эга бўлди. Термиз — Тошкент йўналиши учун алоҳида «Икарус» автобуси ажратилди. Бу машина янги маршрут — Бойсун, Шеробод ва Ленин йўли районлари орқали ўтади.

Илгари юқоридаги районлар аҳолиси Тошкентга бориш учун Термизга, у ердан эса жумҳурият марказига йўл оларди. Эндиликда бу оворагарчиликка чек қўйилди. Сафарга чиққан йўловчи ўз райони автостанциясидан «Икарус»га ўтириши мумкин.

У. МУҲАМЕДОВ.
Сурхондарё вилояти.

ЧИҚИНДИСИЗ МАҲСУЛОТ

● Олтинкўл районидаги халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмаси апрель ойи плана ва топшириқларини ошириб бажарди.

2 миллион 135 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришилди. Бу муваффақиятга кулолчилик, тикувчилик, мўйначилик ва шишасозлик цехлари жамоалари муносиб ҳисса қўшдилар. Бирлашма коллективи иқтисодий танглик давридаги муаммоларни ҳамжиҳатлик билан ҳал қилмоқдалар. Жумладан, етишмаётган хом ашёни бошқа республикалардан товар айирбошлаш эвазига келтиришяпти. Ишчилар ўзларидаги бор материаллардан ҳам тежамкорлик билан фойдаланиб, чиқиндисиз маҳсулот тайёрлашмоқда.

Ш. КЕЛДИЕВ.
Андижон вилояти.

• Буюк ипак йўли — мулоқот йўли •

ВОДИЙДАГИ УЧРАШУВЛАР

Буюк ипак йўли халқаро экспедицияси қатнашчилари қардош Қирғизистоннинг Ўш вилоятидан Андижон вилоятига келдилар. Вилоят жамоатчиларн вакиллари уларни Ўш—Андижон чегарасида карнай-сурнай, нон-туз билан кутиб олдилар.

Бу йўл Фарғона водийси орқали Қашқар ва Хитойга ўтган. Водийнинг зилол сувлари-ю, сервиқор тоғ даралари орқали, Сир ёқалари бўйлаб Масков ва Фарангистондан турли хил мўйна, кўзалар, фаранги ипак газламалар ортилган карвон Хитой томон йўл оларди. Ўз навбатида у юртлардан тарихда қимматбаҳо ипак моллари келтириларди. Ҳозирги кунда ана шу кўп қадим йўллар бўйлаб кўҳна қалъалар, сардобалар сақланиб қолган.

ЮНЕСКОнинг Буюк ипак йўли бўйлаб уюштирган халқаро экспедицияси Фарғона водийсида бўлиб, турли ёдгорликлар, тарихий осори атиқалар билан танишдилар. Мамлакатимизнинг етакчи олимлари билан биргаликда бу ерга ташриф буюрган олим ва жамоатчилар орасида Исломобод дорилфунунининг профессори Аҳмад Хасан Доний, туркиялик олим Нодир Давлат, ҳинд инженери Неру Одетта ва бошқа кўплаб илм-фан намояндалари ва жамоатчилик вакиллари бор.

Улар Қўқон шаҳрида ўзбек бинокорлик санъатининг ноёб намуналари, ҳозирги пайтда ҳам халқнинг эзгу қадамжолари ҳисобланмиш — Жомий мачити билан танишдилар. Айниқса, мачит имом хатиби Муҳаммадражаб Нурматов экспедиция қатнашчиларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берди. Шаҳарда ўзбек миллий ҳунармандлари ясаган турли буюмлари қўйилган кўргазма йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Қадимда Марғилон Буюк ипак йўлининг марказларидан ҳисобланган. Асрлар давомида ўзбек атласи хоҳижликларнинг диққатини тортган. Марғилон атласи ўзининг минг йиллик тарихига эга. Қадимий атлас тўқув дастгоҳлари ҳозирда ҳам сақлаб келиняпти. Қадимда Хитой шоҳи тўқувчилари билан беллашиш жуда қийин эди. Хитой тўқувчиларининг маҳсулотлари ўзининг нафислиги билан жаҳонга машҳур бўлган. Ҳозирда эса марғилонлик тўқувчиларнинг «Хосиятхон», «Баргикарам» ва бошқа қадимий услубдаги атласлари Хитойда жуда урф бўляпти. Франция, Туркия ва бошқа қатор хорижий давлат фирмалари Марғилон ипакчилари билан шу кунларда музокаралар олиб боришяпти.

Буюк ипак йўли халқаро экспедицияси Фарғонадан Ўш шаҳрига бой таассуротлар билан жўнаб кетди.

А. ИБОДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БОБУР ЮРТИ БЎЙЛАБ

Меҳмонлар Хўжаобод ноҳияси марказини зиёрат этиб, Андижон шаҳридаги Ўрта аср этнографик ҳунармандчилик очиқ музейига бордилар. Бу ерда улар миллий ҳунармандчилик буюмларини тайёрлаш санъати билан танишдилар.

Франциялик меҳмонлар тандир ясаш жараёнини зўр қизиқиш билан томоша қилдилар. Улар ҳунармандлар билан суҳбатлашишди. Шундан кейин экспедиция иштирокчилари Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг уй-музейига ташриф буюрдилар. Меҳмонлар: «Бобур юртини ва унинг уйини кўрганимиздан мамнунмиз», дейишди. Халқаро делегация бошлиғи Сайфур Раҳмон-дар: «Андижонга марҳамат қилиш Бобур ҳурматини хотирлашдир», деди.

Меҳмонларни Бобурмирзо сиймосини яратган 40-ўрта мактабнинг мусиқа ўқитувчиси Р. Шокиров илиқ қарши олди. Сайёҳлар Андижон шаҳар Деҳқон бозори расталарида бўлиб, совға-саломлар олишди ва Жоме мадрасасини кўришди. Шундан кейин улар янги очилган Андижон савдо марказига боришди. Вилоят раҳбарлари, олимларнинг меҳмонлар билан Буюк ипак йўлига боғлиқ мулоқоти бўлиб ўтди.

Экспедиция қатнашчилари Наманган вилоятига жўнаб кетдилар.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Фарғонада, маҳаллий дорилфунун негизида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳузуридаги «Математика фанлари» муаммо кенгашининг сайёр мажлиси бўлди.

Учрашув дастури уч кунга мўлжалланган эди. Унинг қатнашчилари шу кунлар мобайнида Фарғона давлат дорилфунуни билан Қўқон дорилмуаллимининг математика кафедраларида олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг амалий аҳамиятини ошириш, илмий муассасалар моддий-техникавий ва экспериментал базасини мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилдилар. Мажлисда мактабларда математикадан дарс беришни яхшилаш, шу мақсадда таълим беришнинг техникавий воситаларидан, бошқа янгиликлардан фойдаланиш, математика бўйича дорилфунун олимпиадаларини ўтказишга қобилиятли ўқувчиларни жалб этиш фанни жадал ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиши кераклиги таъкидланди.

Фарғона дорилфунуни жумҳуриятимиздаги энг муҳим иқтисодий минтақаларидан бири учун, айниқса фаннинг устун йўналишлари — амалий математика ва программалаштириш каби йўналишларда малакали мутахассислар тайёрлашнинг чинакам марказига айланиши лозимлиги айтилди. Шу вазифаларни ҳисобга олиб Фарғона дорилфунуни негизида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ёки жумҳурият Фанлар академияси Математика илмгоҳининг бўлимини ташкил этиш тўғрисидаги таклиф муҳокама қилинди. Ушбу масалани Ўзбекистон ССР Фанлар академияси раёсатининг муҳокамасига қўйишга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

ОВЧИЛАР ВА БАЛИҚ ТУТУВЧИЛАР УЮШМАСИНИНГ АНЖУМАНИ

23 май куни Тошкентда Ўзбекистон ССЖ овчилар ва балиқ тутувчилар жумҳурият кўнгилли жамиятлари уюшмасининг саккизинчи анжумани бўлиб ўтди.

Делегатлар Ўзбекистон ССЖ овчилар ва балиқ тутувчилар жумҳурият кўнгилли жамиятлари уюшмаси кенгаши ҳамда тафтиш комиссиясининг маърузаларини муҳокама қилишди. Уюшманинг янги низоми қабул қилинди. Унинг кейинги беш йилликдаги фаолияти дастури режалаштириб олинди — дастурда жумҳурият табиий бойликларини сақлаш ва кўпайтириш, оммавий спорт ва дам олишни ривожлантириш, илмий ишларни ишлаб чиқариш соҳасини мустаҳкамлашга доир тадбирлар кўзда тутилган.

Жумҳурият анжумани Ўзбекистон ССЖ овчилар ва балиқ тутувчилар жумҳурият кўнгилли жамиятлари уюшмаси раҳбар идораларининг янги таркибини сайлади.

(ЎзТАГ мухбири).

ЗАРУР РИСОЛА

Ҳозирги кунда қайта қуриш жараёни турмушимизнинг шак-шубҳасиз барча жиҳатларини қамраб олди. Сиёсий системани тубдан ислоҳ қилиш қонуний равишда кенг кўлам касб этмоқда. Негаки, мавжуд сиёсий система мамлакатнинг хўжалик ва ижтимоий ҳаётида турғунлик кучайишидан сақлаб қолишга қодир эмаслигини кўрсатди ва илгари қўлланилган ислоҳотлар муваффақиятсизликка учради. Ижтимоий ҳаётни ҳаддан ташқари давлатлаштириш юз берди. Маълумки, социализм шароитида давлатнинг вазифа ва функциялари кўлами капитализм шароитидагидан анча кенг кўламли миқёс касб этади. Аммо бошқарув вазифаларининг бу қадар кенгайишига ҳокимиятни кучайтириш ҳисобига эмас, балки, аввалом бор демократик омилларни фаоллаштириш, ижтимоий жамоа ташкилотлари ҳақ-ҳуқуқларини кенгайтириш эвазига эришмоқ лозим эди.

«Ўзбекистон» нашриёти яқинда А. С. Хўжаевнинг Ўзбекистон Компартияси мисолида ёзилган «Қайта қуриш шароитларида КПСС ва жамоат ташкилотлари» («КПСС и общественные организации в условиях перестройки») китобини чоп этди. Мазкур китобда ленинча принципларнинг бузилиши сабаблари, партия ва жамоат ташкилотларининг ўзаро муносабатлари аниқ-равшан мисолларда таҳлил этилади. Муаллиф ленинча принципларнинг бузилиши сабабларидан бири партия органларининг фаолиятидаги иш услуби ва усулларида, уларнинг жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларида маъмурий буйруқбозлик усулларн устунлик қилганлигида эканлигини, сиёсий раҳбарлик маъмурий диктат билан алмаштирилганлигини анча ишончли тарзда кўрсатиб беради. Маъмурий қурилмага қўшилиб кетган чоғда партия шак-шубҳасиз сиёсий пешқадамликни қўлдан бой беради. Ана шундай қўшилиш оқибатида одамларда лоқайдлик, эътиборсизлик, оммани ижтимоий фаоллиги бўшашиб кетуви, меҳнат кишисининг ижтимоий мулк ва бошқарувдан бегоналашуви юз беради. Китобда Ўзбекистон партия ташкилотларининг ҳозирги шароитдаги фаолиятида юз берган камчиликлар, шунингдек, партия ташкилотларининг жумҳуриятдаги аҳволни яхшилаш борасидаги ишлари таъкидланади. Ҳозирги шароитда жумҳурият коммунистлари олдида жамоат ташкилотларига ўз мустақилликларини тўлалигича қайтариб бериш вазифаси турибди.

Муаллиф китобда жамоат ташкилотлари фаолиятидаги камчиликлар ҳақида батафсил тўхталади, улардан кўпларида ташаббускорликнинг етишмаслигини таъкидлайди. Жамоат ташкилотлари кўпинча аввало идора штати кучлари билан, оммага жуда бўш суянган ҳолда тўраларча ҳаракат қилишга интилиб келдилар. Улар ўзларига берилган ҳуқуқлардан тўла фойдалана олмадилар, турмушнинг энг қизғин жойларига кириб бора олмадилар, жамиятни бошқариш ишларида қатнашолмадилар. Шу боисдан ҳозирги шароитда жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатдаги асосий вазифа совет жамиятини ривожлантиришнинг муайян тарихий босқичида уларнинг фаолиятлари мазмунини аниқлаб олишда ёрдам беришдан иборатдир. Шунингдек муаллиф Ўзбекистон партия ташкилотларида жамоат ташкилотларидаги кадрлар билан ишлаш вазифаларини қайта қуриш аҳволини таҳлил қилган.

Китобда муаллиф ҳозирги шароитда Ўзбекистон партия ташкилотларининг жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатлари, назорат ишларини қайта қуриш бўйича фаолияти ҳам кўриб чиқилади. Бу йўналишда партия фаолиятида асосий вазифа партия ташкилотларининг янги шароитда назорат ишларини сиёсий усуллар билан олиб боришидир. Бу жамоат ташкилотлари фаолиятини бевосита назорат қилиш эмас, балки ана шу жамоат ташкилотларида иш олиб бораётган партия ташкилотлари ва коммунистлар ишини назорат қилиш уларга кўпроқ эътибор ва ёрдам беришдан иборатдир.

Китобда партиянинг ҳозирги шароитда жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини қайта қуриш ҳақида сўз борганда аввало меҳнаткашларга муносабат усуллари, одамлар билан ишлаш шакллари, инсон омилини кучайтириш ҳақида чуқур ўйлаш лозим, деган хулоса чиқарилади. Зеро, демократияни ривожлантирмай туриб, меҳнаткашларнинг кенг миқёсдаги иштирокисиз қайта қуриш вазифаларини уддалаб бўлмайди.

Пировардида шуни айтиш лозимки, А. С. Хўжаев ушбу асари билан жиддий ва кенг кўламли ишни амалга оширган. Муаллиф партия фаолиятининг кўпгина муҳим қирраларини, унинг ҳозирги шароитда жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларини чуқур ёритган. Ўйлаймизки, китоб мазкур муаммолар билан қизиқувчилар учун жуда фойдалидир.

Зиновий РИБАК,
СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

• Китоблар оламида •

«ЖАННАТМАКОН ДИЁР ЭКАН»

Буюк ипак йўли Шарқдан Ғарбгача бўлган кўплаб мамлакат халқларини маданий алоқалар билан боғлаган тарихий йўлдир. Унинг тарихи бевосита турли миллат халқлари маданияти, ўзаро ҳамкорлик ривожи билан боғлиқ.

ЮНЕСКО томонидан ташкил этилган Буюк ипак йўли халқаро экспедицияси сафар бўйлаб халқларнинг ўтмиш меросини батафсил ўрганмоқда. Экспедициянинг Наманган шаҳридаги учрашувлари меҳмон ва мезбонларда катта қизиқиш уйғотди. Жаҳоннинг 22 хорижий мамлакатларидан келган вакиллар шаҳардаги ўлкашунослик музейида бўлдилар.

Экспедиция иштирокчилари Поп ноҳиясидаги Мунчоқтепа қишлоғидан топилган қадимий сағана топилмаларини зиёрат қилдилар.

Меҳмонлар шунингдек, вилоятни уч кун давомида кўҳна Косонсой, Тўрақўрғон, Чуст ноҳияларида учрашувлар ўтказдилар.

— Табиати, одамларнинг меҳмондўстлиги қалбимда бу юртга нисбатан чексиз меҳр уйғотди, — дейди биз билан суҳбатда Истамбул меъморчилик дорилфунуни профессори Ножот Диёр Бекрли. — Буюк ипак йўлининг катта қисми туркий халқлар яшайдиган минтақалардан ўтган. Менга ҳаяжонга солган бир фикрни ўзбек халқига етказиш истагим бор. У ҳам бўлса Наманган жаннатмакон диёр экан...

А. МАДАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

• ФОТОКОНКУРС—91



«Оқсоқоллар тилидан дуо, қўлидан китоб тушмасин». З. ҲАЙДАРОВ олган сурат.

• Одобнома

АФЛОТУННИНГ АРАСТУГА НАСИҲАТЛАРИ

Ҳамиша илм пайдан бўл, қалбинг ҳам, кўзинг ҳам доимо бедор бўлсин, уйқу ва оромни ўйлаб, бугунги ишни эртага қолдирма, уйқуга ётишдан аввал ўтказган кунинг ҳақида серҳисоб қил, шу куни сендан қандай хато содир бўлди ёки шу куни сен яхши нарсалардан нимани ўргандинг, шу ҳақда ўйла. Бадбахт шундай кишики, ишнинг оқибатини ўйламайди, гуноҳ ишлардан ўзини тиймайди. Дунёда лаззат топса боши осмонга етиб шод бўладиган, бирортага қайғуга дуч келса, ҳаммадан кўра кўпроқ фарёд кўтарадиган олимни олим деб, ҳисоблама. Барчани бирдек сев, сержаҳл бўлма, жаҳлингни сочаверсанг бора-бора у сенинг одатингга айланиб қолади. Бугун биров сенинг олдингга муҳтож бўлиб келса, унинг ҳожатини чиқаришни эртага қолдирма. Бирор киши бирорта балога дучор бўлса, унга кўмак қўлини чўз, ҳар кимнинг гапини тўғри ёки нотўғри эканини билмай туриб, текширмай туриб, ҳукм чиқарма.

Дунёда ҳикматдан фойдалироқ нарса йўқ. Ҳаким шундай кишики, унинг сўзи билан қиладиган ишлари бир бўлади. Қайси ишда бўлмасин сусткашлик қилма, яхшилик қилишда чегара бор деб ўйлама! Ҳакимлар ҳикматини ёд ол, мол-дунё хирсини кўнглингдан қув, ёқимли одобларидан кўз юмма, барча ишларни ўз ақлингга қулоқ солиб, чамалаб, сўнг амалга ошир, тубан ишларга қўл урма, ҳамма билан гаплашганда ҳам камтарликни қўлдан берма. Бировни хор санама, ҳамиша адолатни ўзингга шиор қил!

ЛУҚМОНИ ҲАКИМ ҲИКМАТЛАРИ

Луқмони ҳаким ўзидан қолдирган насиҳатлари билан машҳур бўлган. Унинг табаррук сўзларидан қуйидагилар келтириладиким, у ўз ўғлига насиҳат қилиб айтган эди:

— Эй ўғлим, сен доимо сабру чидамни ўзингга йўлдош қил, нафсинг кўйига кирма уни қийнашни энг улуғ йўл деб бил, тоғнинг қаноат қил, керагидан ортиқча топишга интилма, таомдан очу, ҳикматдан тўқ бўл, одамларга қўполлик қилма, оғзингга нима келса гапираверма, ана шундагина сен турли хил балолардан омон бўласан. Одамлар сенда йўқ сифатлар билан сени мақтаса алданма!

Эй ўғлим, нима гапирсанг ҳикмат ва насиҳатдан гапир, гапирган гапларингга аввало ўзинг амал қил, ўз касбинг ва мартабангга яраша гапир одамларни ғазаб пайтида сина, дўстларни эса бошингга кулфат ва мусибат тушгаида сина, ёқимли ишларни амалга оширишга урин, гап гапирсанг далил ва ҳужжат билан гапир, доно кишилар билан ҳамсуҳбат бўл, дўстларингни ҳурмат қил, одамларга очиқ юзлилик билан боқ!

Эй ўғлим, ота-онангни доимо ҳурмат қилиб, хизматида бўл, устоз ва муаллимингга жону дилингдан эҳтиром кўрсат, ота-онадан ҳам ҳурматлироқ деб бил, барча ишларда ўртана йўл тут, киримга қараб чиқим қил, сахий бўл, меҳмонни эъзозла, унга ўзинг туриб хизмат қил, бировнинг уйига борганда кўзингни ва тилингни эҳтиёт қил, душмандан бир лаҳза ҳам ғофил бўлма, кам тама бўл, бирор гапни гапиришдан аввал унинг жавобини беришни ўйла, бахил ва такаббур кишилардан узоқ бўл, қаноатни ҳақиқий бойлик деб, ҳисобла!

Эй ўғлим, доимо илм қидирувчи бўл, қайсар бўлма, ўз айтганингда туриб олма, ўзгалар гапини ҳам эътиборга ол, муроса йўлини тут, ҳамиша одамлар ичида бўл, улардан ажрама, кексаларни ҳурмат қил, барчани яхши ном билан тилга олгин, кимнинг тузини тотган бўлсанг, унинг ҳақини адо қилишни унутма!

Эй ўғлим, сир сақлай билмайдиган кишиларга, айниқса, болаларга сир айтма, ҳамма ҳам яхшилик қилади деб ўйлама, кишининг нокас ва бахил эканини билсанг ундан яхшилик чиқади деб хаёл қилма, бировнинг ҳожати тушиб олдингга келса, ноумид қилиб қайтарма, ўзингдан катталар билан ҳазиллашма, ўйда бор нарсаларингни душман кўзидан яшириб тут, ўз ака-укаларингни ҳурмат қил!

М. ҲАСАНИНГ нашрга тайёрлаган «Одобнома» китобидан.

СПОРТ

ҚИЛИЧБОЗЛИК: ИМКОНИЯТЛАРНИ ЧЕТЛАБ

● ЛЕНИНГРАДДА СССР халқлари спартакиадаси дастури бўйича ўтказилган мусобақада жумҳуриятимиз вакиллари имкониятлари даражасида баҳслаша олмадилар. Ваҳолонки, мусобақа СССР чемпионати даражасида уюштирилган эди. Фақат тошкентлик Дмитрий Казаков рапирачилар баҳсида тўртинчи ўринни эгаллаб, СССР терма жамоаси аъзоси бўлди. Шамширчилар эса жамоа ҳисобида 8-ўринни эгаллашди. Рапирочи йигитлар кучли олтиликдан жой олишди.

ОҒИР АТЛЕТИКА: ХАЛҚАРО МУСОБАҚАЛАР

● КУБА ПОЙТАХТИ Гаванада халқаро мусобақа бўлиб ўтди. 20 мамлакатдан тўпланган полвонлар ўзаро баҳслашдилар. Анъанавий мусобақада тошкентлик Р. Мансуров маҳорат кўрсатди. 82,5 килограмм вазнли оғир атлетикачилар қатори куч синашган бу спортчимиз икки курашда 362,5 килограммли натижага эришиб, халқаро классдаги спорт устаси талабини бажарди.

ҚАЙИҚ ҲАЙДАШ: ТАЙЁРГАРЛИК БОСҚИЧИ

● ЧОРВОҚ СУВ омборида Ўзбекистон кубоги учун мусобақа ўтказилди. Баҳслар асосан елканли қайиқларни бошқариш бўйича уюштирилди. 70 килограммли қайиқ ҳайдаган В. Нимолихин маҳорат кўрсатди. 85 килограммли қайиқда эса В. Маврин марраде биринчи бўлди. Хотин-қизлар орасида А. Медведева мусобақага пухта ҳозирлик билан келгани кўринди. Соврин учун кураш СССР халқлари Х спартакиадасига тайёгарликнинг муҳим босқичларидан ҳисобланади.

СПОРЛОТО

● 20-ТИРАЖ ўйинларининг якунлари чиқарилди: «45 дан 6» лотереяси бўйича Ўзбекистон жумҳурияти корхоналарига 89664 та вариант тушди. 6 та ютуқли рақамни ҳеч ким топмади. 5 та рақам бўйича 3 киши 3220, 4 рақам бўйича 120 киши 151 сўмдан оладиган бўлди. «36 дан 5» лотереяси бўйича 1044231 та вариант тушди. 5 та ютуқли рақамни топган икки кишига 15 минг 744 сўм, 4 рақам бўйича 333 кишига 160 сўм, 3 рақам бўйича 10459 кишига 8 сўмдан бериладиган бўлди.

СПОРТПРОГНОЗ

● 20-ТИРАЖ якунлари қуйидагича бўлди. Ўзбекистон бўйича 128196 та вариант тушди. 13 та рақамни топган икки кишига 901 сўмдан, 12 рақам бўйича 79 киши 71 сўмдан, 11 рақам бўйича 535 кишига 25 сўмдан берилади.

Ютуқларни 8 июндан 8 июлгача олиш мумкин.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

27 май—2 июнь

ҲАР КУНИ

● 8.00 СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГ (шанба ва якшанбадан ташқари, ЎзТВ-I).

● 18.00 Ўзбекистон телевидениесининг «ЯНГИЛИКЛАР» кўрсатуви (ЎзТВ-I).

● 19.30 да рус тилида «АХБОРОТ» программаси (ЎзТВ-I)

● 22.00 да ўзбек тилида «АХБОРОТ» программаси (ЎзТВ-I).

●6.00 да Марказий телевидениенинг «ТОНГ» мусиқий кўрсатуви (МТ-I орқали, шанба ва якшанбадан ташқари).

● 20.30 да барча программалар орқали Марказий телевидениенинг «ВРЕМЯ» программаси.

● 11.30 да ТСН (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30 — ҳар куни МТ-I).

● 8.00 да ЭРТАЛАБКИ БАДАНТАРБИЯ (МТ орқали, якшанба куни «ЗАРЯДКАГА САФЛАНИНГ!»).

● 19.45 да «ХАЙРЛИ ТУН, КИЧКИНТОЙЛАРИ» (МТ-II).

• 27, душанба

ЎзТВ I

8.10 Фильм-концерт. 8.40 «Таня ва икки мушкетёр». Бадиий фильм. 9.50 «Иқбол». 18.10 Мультфильм. 18.30 Концерт. 19.00 «Билим — оммага». 19.50 «Муносабат». 21.15 «Изтиробга солма муҳаббат». 22.20 «Деҳқонларнинг долзарб вазифалари. 22.40 «Сени излаб». Бадиий фильм.

ЎзТВ II

19.00 «Ассалому алайкум». 20.00 «Спринт».

Душанбе кўрсатади

МТ I

8.30 «Мулоқот». 8.50 Футбол шарҳи. 8.20 Ҳужжатли фильм. 9.50 «Жумбоқ» (Ирландия). 9.55 Мультфильмлар. 10.20 «Афсунгарнинг вориси». Бадиий фильм, 1-серия. 11.45 «Афсунгарнинг вориси». Бадиий фильм, 2-серия. 12.50 «Қўшиғим ила қайтиб келаман». 13.25 Ҳужжатли фильм. 14.00 ТСН. 14.15 Мультфильм. 14.25 «Давлат чегараси». Бадиий фильм. 5-фильм. 1-серия. 15.35 Болалар соати 16.35 «Бозор қонунларига биноан...». 17.05 «Мулоқот». 17.20 Мультфильм. 17.30 ТСН. 17.45 Концерт. 21.15 «Рудольфио». Фильм-спектакль. 22.30 Гитарачи Ж. П. Жюмез — меҳмонимиз. 22.45 «Телескоп». 24.00 «Меридиан». Халқаро янгиликлар.

МТII

7.00 Ишбилармон кишининг тонги. 8.15 «Тош гул». Фильм-спектакль. 10.20 Телефильм. 10.50 Адам Смит бойлиги дунёси. 13.35 «Болалигим кузи». Бадиий фильм. 14.45 «Планета» Халқаро программа. 18.30 Телефильм. 19.20 Коллаж. 19.30 Ҳужжатли фильм. 20.00 Футбол шарҳи. 21.15 «Губерная ҳаётидан баъзи нарсалар». Бадиий фильм.

• 28, сешанба

ЎзТВ I

8.10 Телефильм. 8.40 «Кобра операцияси». Бадиий фильм. 10.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. 10.35 Телефильм. 10.55 «Оқ теракми кўк терак». 18.10 Мультфильм. 18.20 «Изланиш» 19.00 «Қадрият». 19.45 «Стадион». 19.55 «Усмир ва қонун». 21.15 Тижорат хабарлари. 21.25 «Ижод саҳифалари». 22.20 «Спортлото». 22.25 Мусиқа жавони. 23.15 «Икки соҳил». Бадиий фильм.

ЎзТВ II

19.00 Мультфильм. 19.15 «Ёз тараддудида». 20.00 «Лаҳза». Хабарлар. 20.10 «Шаҳримиз муаммолари».

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

МТ I

8.30 Долзарб репортаж. 8.50 «Рудольфио». Фильм-спектакль 10.05 Мультфильм. 10.30 Болалар соати 11.45 «Позиция». 12.55 Л. Берман чалади (фортепьяно). 14.45 «Давлат чегараси». Бадиий фильм. 5-фильм. 2-серия. 15.55 «Қизиқувчилар олами». 16.10 «Чемпионлар билан биргаликда». 16.25 Ҳужжатли фильм. 17.15 «Болалар мусиқий клуби». 18.00 ТСН. 18.15 «Цхинвали». 19.20 Мультфильм. 19.30 «Ким аслида ким?». 21.15 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». 22.10 «Театр плюс ТВ». 23.40 «Меридиан». Халқаро янгиликлар.

МТ II

8.15 Болалар учун фильм. 9.20 Мультфильм. 9.45 Телефильм. 10.15 «Компьютер билан мулоқот». 11.00 «Баҳорнинг бир куни». 13.30 «Уч бўйдоқ яшаган эди». Бадиий фильм. 1-серия. 14.35 «Сизга, ветеранлар...». 15.30 Ритмик гимнастика. 16.00 Мультфильм. 18.30 «Деҳқон кантатаси». 19.00 Ритмик гимнастика. 19.30 Ҳужжатли фильм. 20.00 Теннис.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

21.15 «Спринт». 21.40 «Билим қиррлари». 22.30 «Цирк! Цирк! Цирк!». 23.15 СССР Олий Кенгашининг сессиясида.

• 29, чоршанба

ЎзТВ I

8.10 «Фарзанд — ҳаёт гули». 9.00 «Сени излаб». Бадиий фильм. 10.05 «Элга хизмат: талаб ва таклиф». 10.35 «Кирди баҳор кўнглима...». 11.15 «Ёшлик» студияси. 18.10 Мультфильмлар. 18.35 «Футбол чорраҳаларида». 19.05 «Шеърият дафтаридан». 19.50 «Таълим ва маданий мерос». 21.15 Тижорат хабарлари. 21.20 Концерт. 22.20 «Тафаккур гулшани». 23.15 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».

ЎзТВ II

19.00 Телефильм. 19.20 «Суҳбатга таклиф этамиз». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Тамарахоним» ҳузурида.

АШХОБОД КЎРСАТАДИ

МТ I

8.30 «Ишчан чопар». 8.50 «Свердловсклик «Пируэт». 9.35 «Хизматкор», «Қишлоқ латифаси». 10.35 «Болалар мусиқий клуби». 11.45 «Театр плюс ТВ». 14.45 «Саҳродаги кўнгилли манзара». Бадиий фильм. 15.50 Концерт. 16.10 Болалар соати. 17.10 ТСН. 17.25 «9-студия». 18.25 Телефильм. 19.25 «Қирдаги отишма». Бадиий фильм. 21.15 Футбол. Европа чемпионати. 23.00 Теннис. 23.15 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. Танаффус пайтида — Теннис. 01.10 «Европа плюс».

МТ II

8.15 «Фламинго». 8.35 «Болалигим тушга кирибди». 9.05 Болалар учун фильм. «Кекса устанинг васияти». 10.10 Мультфильм. 10.30 «Қадрдон» дўстимга». 13.45 «Уч бўйдоқ яшаган эди». Бадиий фильм. 2-серия. 14.50 Аҳлоқий мавзуларда кўрсатув. 18.30 Оркестр чалади. 19.30 Ҳужжатли фильм. 20.00 Коллаж. 20.05 «Кумуш торлар».

ТОШКЕНТ СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

21.15 «Пульс. Хабарлар. 21.25 «Кинонигоҳ». 23.15 СССР Олий Кенгашининг сессияси. 00.15 «Менинг лўлиларим». Бадиий фильм.

• 30, пайшанба

ЎзТВ I

8.10 «Дорбозлар». Бадиий фильм. 9.25 «Бугунги кун техникаси». 10.25 «Ёшлик» студияси. 11.10 «Бунёдкор». 18.10 Мультфильм. 18.20 «Яхшидан боғ қолади...». 18.55 «Алифбо сабоқлари». 19.45 «Ёшлик» оқшоми». 21.15 «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Кувондиқ Искандаров ва Холисхон Қодировалар ижросида ўзбек классик қўшиқлари. 22.20 «Шарқ юлдузи» саҳифаларида. 23.05 «Зарблар сеҳри».

ЎзТВ II

19.00 Регби. 20.00 «Эсдалик учун дастхат».

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

МТ I

8.30 ИИВ маълумотларига кўра... 8.50 Футбол. Европа чемпионати. 9.40 «Чемпионлар билан биргаликда». 9.55 Мультфильм. 10.05 Телефильм. 10.30 Болалар соати. 11.45 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. 14.45 «Иван». Бадиий фильм. 15.55 «Қизиқувчилар олами». 16.10 «Онам, дадам ва мен». 16.40 «Рококо». 17.00: «....16 ёшгача ва ундан катталар». 17.45 «Россия тароналари». 18.00 ТСН. 18.15 Телефильм. 18.40 Мультфильм. 19.00 Концерт. 19.30 «Ким аслида ким?». 21.15 ИИВ маълумотларига кўра... 21.30 «Эфирда мусиқа». 23.30 «Пи» белгиси билан». Танаффус пайтида (00.15) — «Меридиан». Халқаро янгиликлар.

МТ II

8.15 Болалар учун фильм. «Кекса устанинг васияти». 9.20 Мультфильм. 9.30 Концерт. 10.10 Ҳужжатли фильм. 10.35 Н. Чепрага куйлайди. 11.00 «Эҳром». 13.30 «Бу йигитлар дўстлиги». Бадиий фильм. 14.35 «Лонго май — умрнинг узоқ бўлсин». 18.30 «Телевизион мусиқий абонемент». 19.30 Ҳужжатли фильм. 20.00 Ҳужжатли фильм.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

21.15 «Юнитекс интернешнл» фирмаси таништиради... 21.40 Юмор кечаси. 22.10 «Кадрда ва кадр ортида». 23.15 СССР Олий Кенгашининг сессиясида

• 31, жума

ЎзТВ I

8.10 «Дарахт ва унинг илдизлари». 8.40 «Камолот сари». Бадиий фильм. 10.00 «Ўзбекистон» тележурнали. 10.20 «Ёшлик» студияси. 18.10 Мультфильм. 18.20 «Келажагимиз — мактабда». 19.00 «Фармон ва ижро». 19.45 «Анъаналар этади давом...». 21.15 «Маърифатнома». 22.20 «Кино усталари». 23.20 «Инсон ва қонун».

ЎзТВ II

19.00 «Қизиқарли учрашувлар». 20.00 «Пульс». Хабарлар. 20.10 «Мусиқий дақиқалар».

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

МТ I

8.30 Сюита. 9.00 Телефильм. 9.40 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 10.25 «Қирдаги отишма». Бадиий фильм. 11.45 «Кинопанорама». 14.45 «Студенаяда қишлоб қолинг». Бадиий фильм. 15.55 «Қизиқувчилар олами». 16.10 Концерт. 16.35 «Сизга, ветеранлар...» 18.00 ТСН. 18.15 Мультфильм. 18.25 С. Рахманинов. «Қоя» Симфоник фантазия. 18.40 «5 «Б»лик ғаройиб бола». Бадиий фильм. 21.15 «ВИД» таништиради: «Дело», «Шоу-биржа», «Музобоз», «Эм-ти-ви». 23.30 «Меридиан». Халқаро янгиликлар. 23.50 Джаз портретлари.

МТII

8.15 Болалар учун фильм. «Кекса устанинг васияти». 9.20 Телефильм. 10.15 «Телевизион мусиқий абонемент». 11.15 Мультфильм. 13.30 «Севги кечирмайди». Бадиий фильм. 14.35 «Ленинград акварелларида». 15.05 «Лонго май — умрнинг узоқ бўлсин». 18.30 «Ажойиб Дрезден». 19.15 Спорт ҳамма учун. 19.30 Ҳужжатли фильм. 20.00 Теннис. 21.15 Концерт.

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ: 21.30 «Бу оқшомда».

• 1, шанба

ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Ёз учун аъло баҳо». Бадиий фильм. 10.15 «Тошкент студиясининг «Болалар видеоканали. 18.00 Мультфильм. 18.15 «Бир жаҳон болаларимиз». 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.45 «Меҳр чашмаси». 21.15 «Рақсларим — орзуларим». 22.00 «Ҳафтанома». 23.00 «Мулоҳаза».

ЎзТВ II

АШХОБОД КЎРСАТАДИ:

МТ I.

6.00 Ҳужжатли фильм. 6.20 Мультфильмлар. 7.00 Ритмик гимнастика. 7.30 ТСН. 7.45 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.15 «Циркни ҳамма севади». 9.00 «Звони руссие» фольклор триосининг чиқиши. 9.15 «Итальян сюжетлари». 10.05 «Тонг юлдузи». 11.05 «Яна бир бор севги ҳақида». 12.40 «Ер — она масканимиз». 12.45 Ёзувчи А. Проханов билан учрашув. 14.00 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 14.45 «Золушка» балетидан сюита 15.25 Мультфильм. 16.00 «Халқаро панорама». 16.45 «Лапарлар байрами». 17.15 «Ким аслида ким?». 18.15 Шеърият лаҳзалари. 18.20 «Днестряне» ансамблининг чиқиши. 18.30 «КВН-91». 21.15 «Абадий эр». Бадиий фильм, 1 ва 2-сериялар. 23.50 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг».

МТ II

6.45 Бадантарбия машқлари. 7.00 «Ҳайвонот оламида». 10.30 «Киносерпантин». 12.30 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 15.30 «Ҳамдўстлик». видеоканали. 17.00 Волейбол. 18.00 Мультфильм. 18.30 «Киносерпантин». 19.30 Ҳужжатли фильм. 20.00 «Здоровье». 21.15 Ўзбекистон телевидениесининг «Дўстлик» видеоканали. 23.15 «Киносерпантин». 23.45 Теннис. 00.15 «Сени кўргани кўзим йўқ». Бадиий фильм.

• 2, якшанба

ЎзТВ I.

8.00 «Ҳафтанома». 9.00 «Бинафшаранг шар». Бадиий фильм. 10.15 «Қувноқ учрашувлар». 10.45 Спорт кўрсатувлари. 11.45 Араб тили. 12.15 «Гул ва Наврўз». Спектакль. 14.05 Инглиз тили. 14.35 «Деҳқон ва замин». 15.35 «Хитойлик киноижодкорлар — студиямиз меҳмони». 16.15 «Чўл бунёдкорлари». 18.00 Мультфильм. 18.15 Болалар учун «Кичкинтой» кўрсатуви. 18.45 Наманган вилояти ҳажв театрининг томошалари. 19.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нафосат». 21.15 «Нафосат» кўрсатувининг давоми. 22.20 «Дельфин нидоси». Бадиий фильм.

ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот. 10.05 «Яхши дегани нима?» 11.15 «Орбитадан қайтиш». Бадиий фильм. 17.50 «Орбитадан қайтиш». Бадиий фильм. 19.15 «Сеҳри мукалам». 20.00 «Ҳафта». 21.15 «Кошонаи Лайли». 22.15 Ёш ижрочилар концерти. 23.15 «Телетомошабин ҳамроҳи».

МТ I

6.00 Телефильм. 6.30 «Тонг юлдузи». 7.30 ТСН. 7.45 «С» формуласи». 8.15 «Спортлото» 8.30 «Эрта саҳарлаб». 9.30 «Ватан хизматида». 10.30 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 11.00 «Ҳайвонот оламида». 12.30 «Қишлоқ янгиликлари». 13.30 «Мусиқий киоска». 14.00 «Ведди». 14.45 «Душманни ажрата бил» (Туркия). 14.50 Якшанба концерти. 16.25 «Уолт Дисней таништиради...» 17.15 «Рок сабоқ». 18.15 «Виртуози Москви» камер оркестрининг концерти. 18.30 Якшанба кинозали. 19.20 «Кичик эҳтиросларр». Бадиий фильм премьераси. 21.15 Футбол. СССР чемпионати. МАСК — «Пахтакор». Танаффус пайтида (22.00) — «Хронограф». 23.20 Эстрада юлдузлари — хоккей юлдузларига».

МТ II

7.30 Зарядкага сафланинг! 7.45 «Оила». 8.45 «Европанинг маданий марказлари». 10.00 «Майдон». 13.00 Теннис. 13.30 «Сиз яшаётган олам». 14.40 Кляждаги волейбол бўйича Бутуниттифоқ турнири. 15.10 «Испанола» ансамбли чалади. 15.30 «Планета». Халқаро программа. 16.30 Ўзбекистон телевидениесининг «Дўстлик видеоканали. 18.30 Муаллифлик телевидениеси. 21.00 Муаллифлик телевидениеси 21.15 Мультфильмлар. 21.30 Ўзбекистон телевидениесининг «Дўстлик» видеонали.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими— 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт—33-14-24, 32-55-17; ахлоқ одоб —32-54-29; фельетонлар— 32-54-27; безатиш—32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583. Буюртма № 5381.

№ 99. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12